

# Барот Бойқобилов



## СЕН ТУФИЛГАН КУН

Шеърлар



Балладалар



Достонлар

---

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети

«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти

Тошкент — 1979

310045

© Издательство «Ёш гвардия», 1979.

Олисано

Социалистик Ватанни  
шарафлар, шеъриятим,  
Шеъриятим сенга бўлсин,  
коммунистик миллатим!

## Ш е ъ р л а р



## МЕНИНГ ШЕЪРИЯТИМ

Мен бир Ватан фарзандиман —  
номи жаҳонга машқур.  
Кимки унга қўйса қадам —  
кўнглига бўлур манзур.  
Бу — Лениннинг Ватанидир,  
СССР аталган диёр,  
Бунда барча миллат тенгу  
барча халқлар баҳтиёр.  
Бунда мағрур қанот ёзар  
социалистик ҳуррият,  
Революция наърасидай  
бонг урар зўр шеърият.  
Шоирларин юрагида  
Маяковский овози,  
Коммүнистик келажакка  
жўрдир шеърият сози.  
Менинг янгроқ қалбимда ҳам  
шу соз дилбар тори бор,  
Минг одангда куйлагувчи  
шеърият дутори бор.  
Мунгли оҳанг ётдир мангу  
бу дуторнинг торига,  
Маяковский тимсол бўлиб,  
токи умрим борича  
Социалистик Ватани  
шарафлар. шеъриятим,  
Шеъриятим сенга бўлсин,  
коммүнистик миллатим!

1976.

## СЕН ТУГИЛГАН КУН

Бұғұн сенинг түйинг, онажон!  
Бұғұн қалбим сиғмас күкракка.  
Боғлараро ўқиб бир достон  
Мен учаман бұғұн юксакка.

Тупротингни суртиб күзимга,  
Бола каби сени құчаман.  
Шодплигидан келмай үзимга,  
Булоғингдан зилол ичаман.

Оромимни йұқотиб тамом,  
Дилбар құшиқ излайман сенга.  
Шу құшиққа мәхрим этиб жам  
Қалбим билан сұзлайман сенга.

Бақорлардан териб гулдаста  
Сен турибсан қаршымда масрур.  
Мәхринг этиб жонга пайваста  
Күзларингдан қалбға оқар нур.

Үн беш оға-ини, мәхрибон,  
Бир онанинг фарзанди мисол,  
Шифо топиб Ленин мәхридан,  
Гулшанаро күргузур жамол.

Мұборакбод этгали бари,  
Бұғұн келмиш сенинг қошингга.  
Ва өзар үриб қалблар кантари,  
Жақоқырлар сочмиш бошингга.

Мен қошингда этгали таъзим,  
Талпинаман тұлқинлараро.  
Юзларимда үйнаб табассум,  
Күзларимда чақнар шарора.

Сендан баҳтін топған одамлар  
Құттуғ номинг ҳар кун қилур ёд.  
Бұғұн бари айтишиб алёр,  
Күшиқ билан сени қилур шод.



Мен ҳам сенга азалдән ошиқ  
Бұлған битта жигарпораңғман.  
Мен ҳам сенга дилбар бир құшиқ  
Айтмоқ бұлған азиз болаңғман.

Құшиқ излаб кездим шул сабаб,  
Зарафшоннинг қирғоқларида  
Мармар тонгни күтдим саңарлаб,  
Самарқанднинг гул боғларида.

Кенагаснинг толеидан шод  
Шоирона хаёлга толдим.  
Юлдузлардан тинглаб муножжот  
Құшиқ айтиб чорбогда қолдим.

Сен бўлмасанг, эй, азиз Ватан,  
Құшиқ айтмоқ бўлмасди раво.  
Сен бўлмасанг, бу етти иқлим  
Кўринарди нўзимга қаро.

Сен бўлмасанг дунёда агар  
Келмас эди дунёга халқим,  
Ўзбек халқи бўлмаса агар  
Мени ўзбек деяр эди ким!

Сен халқымдай ақлу заколи  
Ва халқымдай жуда қадимсан.  
Бошга түшгән жангү балөни  
Халқым билан енгган заминсан.

Азиз бошинг етиб қүёшга,  
Омон бўл, эй, пахтакор ўлкам.  
Тўйинг билан сени қутлашга  
Қўшиқ битдим, баҳтиёр ўлкам.

Ўзбекистон, эй, менинг қалбим,  
Севгисиз қалб бўлмагай асло.  
Баҳтим борки, севгингдан ҳеч ким  
Юрагимдан этолмас жудо.

1964—1974



## ҚУЁШЛИ КАРВОНЛАР

Кўзлашиб Коммуна қасрини,  
Сафарга отланди карвонлар.  
Лениннинг бунёдкор наслини  
Чорлади, энг буюк армонлар.

Ол байроқ товланиб қўлларда  
Нигоҳлар уфқа қадалди.  
Зафарга үмидвор йўлларда  
Карвонлар дарёси чайқалди.

Ҳайқириб армонлар тулпори  
Келажак боғига қўйди от.  
Шафақдай музaffer шиори  
Нурига йўғрилди коинот.

Армонлар юзидан табассум  
Гавҳари сочилди борлиқца.  
Ҳаётни этгали у масъум  
Тароват баҳш этди ер-кўкка.

Кишвари оламнинг тахтида  
Фарзанди башарни қутлади.  
Куч-қудрат берди-да, аҳдига,  
Энг буюк сафарга йўллади.

Она юрт қалбидан ҳаяжон  
Отнлди мисоли фаввора.  
Завқига тор келса океан,  
Кўзида — қуёш бир шарора.

Карвонлар қадамин бонгидан  
Қонида кезади пўртана.  
Ўнинчи беш йиллик тонгидан  
Оlamга йўллади кўрмана.

«Каттакон карвонга — катта йўл» —  
Янгради ўзбекнинг мақоли.  
Қардошлар беришиб қўлга-қўл,  
Қуёшдек жилмайди иқболи.

**Катта йўл бошида карвонлар,  
«Самара ва сифат!»— шиори.  
Олға дер коммунистик сарбонлар,  
Пўлатдек тобланган қарори.**

**Карвонлар занг урган қўнғироқ  
Тоғларни уйқудан уйғотди.  
Қалбида ёқди-да зўр чироқ  
Тилсимлар зулматни йўқотди.**

**Дашту чўл қўйининга қўл солиб,  
Бер, деди хирмонлаб донингни.  
Тайгага пўлатдан йўл солиб,  
Оч, деди нефтга бой конингни.**

**Тюмену Сургутни ардоқлаб,  
Жаҳоний минбардан берди сўз;  
Саян ГЭС ёнсин деб чарақлаб,  
Енисей узатди нону туз.**

**Тоғларни кўтарсан деб елканг,  
БАМга баҳш этишди парвозни.  
Зарбдор жабҳада ур деб занг,  
Оёққа турғазди КаМАЗни.**

**Карвонлар қадами теккан ер  
Гул бўлур, қолмагай биёбон.  
Навқирон шаҳарлар тикланур,  
Ҳаловат қасрида яйрап жон.**

**Беш йиллик режалар кўзгуси  
Музаффар тоғида ярқирап.  
Бағрида карвонлар орзуси  
Ойнакўз булоқдек шарқирап.**

**Заминга ёзилур тоғ бўлиб,  
Чўнг 9.000.000 рақами!  
Пахтакор кўнгли ҳам чоғ бўлиб,  
Кашф этар зарбдор оламни.**

**Сирдарё чироги парпираб,  
Хонаи хуршиддан бўлмас кам.**

Қизилқум қўйнига сув тараб,  
Қаҳқаҳа үради Аму ҳам.

Бунёдкор Ватаним қўйнида  
Ижодий, зўр меҳнат гуркуар.  
Ишчию олимнинг ўйида  
Самара дарахти қулф урар.

Жаранггос бонг үриб карвонлар,  
Ҳайрагда қолдириб оламни,  
Қалбида қуёшли армонлар,  
Мардана ташлашиб қадамни,

Истиқбол уғқини кўзлашиб,  
Кўйлашар жангоаар қўшиқлар  
Ва буюк зафардан сўзлашиб,  
Кремлга — Съездга ошиқар!

1976



# **УРГУТ МАНЗАРАЛАРИ**

---

## **БУЛОҚ ҚҰШИГИ**

**Баланд тоғлар масканим,  
Мен — ернинг сирдошиман.  
Қиссам үзоқдир маним,  
Мен — қаётнинг бошиман.**

**Бошимдаги чинорнинг  
Тұргайға үхшайман.  
Күнглида дарди борнинг  
Қалбига завқ құшгайман.**

**Менда юзин ювса ким  
Паридай сұлұв бұлгай.  
Сочлари толим-толим,  
Оңдайын құв бұлгай.**

**Мен кулиб боқсам агар,  
Дүнё тұлади гулга.  
Мен боладай баҳтиёр,  
Ғамим йүқдир күнгилда.**

**Мен ва тоғлар бұлмаса  
Соққа каби бұлур ер,  
Борлық қуриб, ел-сабо  
Боғлар аро эсмасдир.**

**Баланд тоғлар масканим,  
Мен — ернинг сирдошимән.  
Қиссам үзоқдир маним,  
Мен — қаётнинг бошиман.**

**1969**

## **МИНГБУЛОҚ**

**Мингбулоқнинг қошида  
Тоғлар мангу соябон.  
Гул үнади тошида,  
Бошида мармар осмон.**

**Чинорлари минг йилдан  
Сўйлар ажиг ҳикоя.  
Ғубор кетиб кўнглидан,  
Завқинг билмас ниҳоя.**

**Мингбулоқ вижирлаб  
Олқиш ўқир одамга.  
Ер бетига қўйиб лаб,  
Кулиб боқар оламга.**

**Гуллар қилганда ханда  
Кўрар ўз жамопини.  
Бўлиб хаёлга банда  
Унутар камолини.**

**Чинорлар бутогида  
Булбули ўқиб достон.  
Қалби ер қулогида,  
Кўзида тоза осмон.**

**Сувларидан ичса ним,  
Дардга чалинмас юз йил.  
Юзда ўйнаб табассум,  
Ризқи бўлур мўлу кўл.**

**Мингбулоқнинг қошида  
Тоғлар мангу соябон.  
Гул үнади тошида,  
Бошида мармар осмон.**

1970

## ТОГЛАР НИДОСИ

Устун бўлиб осмонга  
Ер узра тикладик қад.  
Қалбимиз ўхшар конга,  
Бизда бойлик беадад.

Бир маҳаллар қалбимиз  
Ўхшарди худди музга.  
Унутилиб қолдик биз,  
Ҳеч ким илмасди кўзга.

Инсон деган улуғ зот  
Ҳолимиз сўрди бир кун.  
Айлаб кўнглимиз обод,  
Ўзи ҳам бўлди мамнун.

Бойликлар дунёсини  
Тўқдик унинг олдига.  
Ва қуёш зиёсини  
Кўрдик оташ қалбида.

Ким қўйса бизга қадам  
Қушдай яйраб кетади.  
Олиб бир дунё илҳом  
Қўшиғу шеър битади.

Бизда, дўстлар, нур, ҳаво,  
Зилол сувлар мўлуд ҳўл.  
Минг йиллик дардга даво —  
Толиб, яйрап ҳар кўнгил.

1971

## ГУЛБОҒ

Ургутда төглар аро  
Гулбог деган қишлоқ бор.  
Хуснига бериб оро  
Қуёш термулар хумор.

Ойна күэли булоқлар  
Унда күшиқ тұңыйди.  
Шалолалар, ирмоқлар,  
Төғ китобин ўқыйди.

Мингга кирған чинорлар  
Соябондир бошида.  
Чүккіда оппоқ қорлар  
Жилмаяди қошида.

Узум, олма, анори,  
Енғоғи элга манзур.  
Үриги — юрт виқори,  
Ноки опамга машұр.

Одамларин нигеzi  
Юлдузларни күзлайди.  
Сүқбат қылсанғыз гоғи  
Бог илмидан сүзлайди.

Болалари шұх, қувноқ,  
Қалби ұхшар булоққа.  
Құллари бўлиб қадоқ  
Чирой берар Гулбоққа.

Осмон гүзал, мусаффо.  
Чор атрофда юксак төғ.  
Мармар сув, тоза ҳаво  
Күнгилларни этар чоғ.

1972

## ТОҲИР ЧИНОРИ

Ургут — чинор макони,  
Тоғли бир диёр эрур.  
Узум, олманинг кони,  
Боғли бир диёр эрур.

Тоғларининг бошида  
Эриб ётар мангу қор.  
Чинорларин қошида  
Кезиб юрар навбаҳор.

Қоялардан шалола  
Сакрар мисоли жайрон.  
Чўққилардан гул-лола  
Оlamга боқур ҳайрон.

Дарани айлаб бедор  
Вағиллайди Ургутсой.  
Тоғларда ўқиб алёр  
Парвоз қилар бургутсой.

Бургутсой парвозида  
Далаларнинг меҳри бор.  
Ургутсой шўх созида  
Юракларнинг сеҳри бор.

Чинорлар ўрмонини  
Кечакундуз олқишилаб,  
Тоғликлар достонини  
Бир чинорга багишлаб,

Сой вағиллаб соз чалар  
Тўлқинлар бешигида.  
Борлик олам нозланар  
Бу сойнинг қўшиғида.

Бу қўшиқда ишқ, вафо  
Этилади тараннум  
Ва жонлакиб бир лавҳа  
Этар ўзига мафтун:

**Тоҳирин излаб Зўҳро  
Сой бўйида ёлворар.  
Сандиқ ичида гўё  
Тоҳири оқиб борар.**

**Сандиқни тутай деса,  
Афсус, қўли етмайди.  
Кошки, бир одам бўлса,  
Тезроқ уни тутсайди.**

**Сандиқни тутолмасдан  
Сочларинн юлар у.  
Қирғоқдан кетолмасдан  
Кўзларини юмар у.**

**Бир вақт унутиб ўзин  
Кетай деганда ҳушдан,  
Зўрга очди-ю, кўзин  
Оғоҳ бўлди бир тушдан.**

**Қадди расо бир чинор  
Турар эди қошида.  
Кўрнидан балқиб викор,  
Хумо қўниб бошида.**

**Тилга кирди-ю, чинор:  
«Тоҳирингман мен», деди.  
«Ишқингга бўлиб ёдгор  
Соҳирингман мен», деди.**

**Зўҳро йиглаб Тоҳирин  
Оёғига йиқилди.  
Кўрди-ю, ёр дийдорин  
Кўз ёши булоқ бўлди...**

**Тоҳир чинорин ҳамон  
Пойида қайнар булоқ.  
Ишқ туфайли икки жон  
Висолга етмиш шундоқ.**

## УРГУТСОЙ ЁҚАСИДА

Чорчинорда кезаман шодмон,  
Чўққиларга термуламан лол.  
Бошим узра ложувард осмон,  
Борлик мендай суради хаёт.

Шаршаралар шовуллар бедор,  
Кўтаргандай дарани бошга.  
Дардларини қилгандай изҳор  
Сув уради бошини тошга.

Файласуфдай хаёлкаш чинор,  
Булоқ розин тинглар бошида.  
Гул васлига бўлиб интизор  
Нола айлар булбул қошида.

Сой бўйида тоғ қизи каби  
Сочларини ювар мажнунтол.  
Титрагандай севинчдан лаби  
Сув тагида жимиirlар ҳилол.

1969



## МИРЗАЧҮЛ ҚАҲРАМОНЛАРИГА

Зангори уфқларда  
Осмон билан туташиб,  
Мовий уммон сингари  
Мавжланади пахтазор.  
Лаби чанқоқ ер билан  
Оби ҳаёт талашиб,  
Дарё етаклаб келмиш  
Мирзачүлга пахтакор.

Чўлга дармон бағишлаб,  
Ғўзаларга бериб жон.  
Қуёшга юзин тутиб  
Жимиirlайди бу дарё.  
Тогларни елиасида  
Кўтаролган қаҳрамон,  
Эгатларда сув тараб,  
Яшарсин дер бу дунё.

Пахтазор мавжларида  
Ўйнаган нурми, сароб!  
Чўл қувган баҳодирлар  
Лочинми ё қарчигай!  
Дарё ичра балқиган  
Қуёшми ё моҳтоб!  
Бу дарёни забт этған  
Кимлар ўзи ҳар қалай!

Субди сабо варақлаб  
Нетди чўлнинг китобин  
Оташ бўса олгали  
Ғунчаларга қўйди лаб.  
Иигирманчи йилларда  
Тинглаб Ленин хитобин,  
Озод инсон от сурди  
Чўл қўйнига эрталаб...

Дарё ҳамон мавжланар,  
Мен эса қирғозида,  
Йиллар карвони ўтар

Кўз олдимиздан пайдар-пай.  
Мирзачўлдай жаннатнинг  
Оромижон боғида  
Самарқанд фарзандига  
Азиз дўстлар тутар май.

Ҳаёт нафаси келар  
Асрий даштлар бағридан,  
Қуш учганда қаноти  
Снимас энди бу чўлда.  
Пахтакор тутиб олган  
Сирдарёning баридан,  
Одам юрса оёғи  
Кўймас энди бу чўлда.

Мирзачўл жамолига  
Бўлиб қолиб маҳлиё,  
Навбаҳор кезиб чиқдим  
Бу диёрни лиёда.  
Пахтакор камолига  
Дилдан ўқиб маддия,  
Чўпни гул қилгай элдай,  
Умрим бўлди зиёда.

Тахтиравон кўчалар,  
Оқ мармардай бинолар,  
Қишлоғу шаҳар менинг  
Ақлимни олди, дўстлар.  
Қошлардаги ўсма-ю,  
Қўлга қўйган хиналар,  
Ғўзалар ҳуснин кўриб,  
Қувонмай нетсин кўзлар.

Октябрнинг қуёши  
Кулиб боқмаса агар,  
Келтириб ҳам бўлмасди  
Бу лавдани хаёлга.  
Мирзачўлмас, келмасди  
Ҳатто қалбларга баҳор,  
Табиат ачинмасди  
Дилдаги аянч ҳолга.

**Мана, Гулистан узра  
Бахт қуши қиласар парвоз,  
Совет Ўзбекистонин  
Қалбида эрк қуёши.  
Қадим она-ерига  
Пахтакор берар пардоз,  
«Оқ олтин» хирмонидай,  
Кўнка етгандир боши!**

**Дўстлик дарахтн бунда  
Гулга киргандир қийғос,  
Сирдарё куйлаб оқар  
Мирзачўл қўшигини.  
Гўзаллик масканида  
Фарҳод каби айтдим роз,  
Ширин учратиб қолди  
Бу элда ошигини.**

**Эй, илҳомбахш Мирзачўл,  
Сенинг элинг сингари  
Жаҳон ҳалқи яласа,  
Дўст-қадрдон ва иноқ.  
Ҳар гўшада яшнаб гул,  
Чарх уриб Эрк каптарн,  
Дунё жаинат бўларди,  
Бўлар эди боғу роғ.**

1974



## ПАХТАЗОРГА КЕЛ

Муқаддас кўксини тутиб қуёшга,  
Бир дунё бойлигин кўтариб бошга,  
Не-не хазинага жоймиш она ер,  
Оппоқ дастурхонин ёймиш она ер.  
Она ер дудоги тонгдай оқариб,  
Деҳқон меҳнатидан кўкси қабариб,  
Хина қўйғандайин бармоқларига,  
Жавоқир тўлдириб чаноқларига,  
Чаноқлар хандаси сиғмай оламга,  
Пахтасин узатар азиз одамга.

Одамлар саҳардан оқшомга қадар,  
Одамлар зафардан боғлашиб камар,  
Етти ёшидан то етмиш ёшгача  
Пахта теримида бугун бошқача.  
Йигитлар гайрати дарёдай тошқин,  
Бургут кўзларида чақнайди ёлқин.  
Муддат унүтилган қизлар пардози,  
Висолга ошиқмас, бунга ҳам рози.  
Майли, висол чоғи кечиксин бу гал  
Эрта ваъдалари ўринлар тугал.

Пахтазорга ўйин кўчирган одам,  
Пахтазорга ўйин кўчирган одам.  
Баъзида тинглолмай қўшиқ-яллани,  
Оналар унүтиб баъзан аллани,  
Баъзан совуб қолар чоллар чойи ҳам,  
Пахтазор қўйнига қўйганда қадам.  
Неварасин олиб, кампирлар бугун  
Тўйдан қайтган каби пахтадан тугун —  
Кўтариб бошида, борар хирмонга,  
Бир лаҳза тин бермай осуда жонга.

Довругин таратиб бутун ўлкага,  
«Оқ олтин» сандигин олиб елкага,  
Юлдуз чаноқларга аста тутиб лаб,  
Машина сузади згат оралаб.  
Марду майдон ёшлар ўлтирас рулда,  
Теримнинг тақдирни чиндан уларда.

Уларда тонналар сўнгсиз карвони,  
Карвонки, пахтанинг юксак хирмони.  
Машина — деҳқонга бўлдию қанот,  
Пахтакор эл аро қозонолди от.

Зангори кемада минглаб паҳлавон,  
Мирзачўл қўйнида урмоқда жавлон.  
Шеробод даштида юз-юзлаб лочин  
Жайхун тўлқинига ёзиб қулочин  
Чавандоз сингари ўйнатмоқда от  
Ва зафар тогида ёзмоқда қанот.  
Кумуш пахтазорнинг чин сирдошлари,  
Тўрсуной, Маниопнинг чўнг издошлари,  
Мен чиндан қойилман суръатингизга,  
Микг раҳмат айтаман юракдан, сизга.

Муддат тарк этишиб шаҳарни бугун,  
Шаҳарлик одамлар ҳашарда бугун.  
Станок ёнида турган ишчи ҳам  
Бўгун пахтанор-ла ҳамфирку ҳамдам.  
Олиму шифокор унга ҳамдастdir,  
Шоириу рассом-ла қалби пайвастdir.  
Суҳбатнинг авжи ҳам далада бугун,  
Дарёлар мавжи ҳам далада бугун.  
Қўшиқ ҳам, оҳанг ҳам, куй ҳам далада,  
Ошиқ ҳам, маъшуқ ҳам, тўй ҳам далада.

Далада «Муножот», «Савти наво» ҳам,  
Далада садоқат, ишқу вафо ҳам.  
Қалбингга қўшиғу севги ёр бўлса,  
Қалбингда пахтанинг ишқи бор бўлса,  
Ҳаёт завқи жўшган пахтазорга кел,  
Тўйиннга тўй қўшган пахтазорга кел!

1962 — 1975

## БАХТИЁРЛАР ҚҰШИГІ

Тоғ тоғ билан учрашмас,  
Учрашар дүст дүст билан.  
Ұзбек, мұғул чамбарчас  
Дүст тутинган рус билан.

Гүё иккі дарёда  
Дүстліги — олтин күпrik.  
Зиё сочиб дунёга  
Боқар мисли күз-киприк.

Бүндай дүстлик қадимда  
Хатто түшга кирмаган.  
Қонға ботган заминда  
Элни қуллик чирмаган.

Октябрнинг қүёши  
Сочди дүстлик нурини.  
Күкка етди эл боши  
Бахтили қуриб умрани.

Уша нурдан баҳраманд  
Шарқда мұғул эли ҳам.  
Тақдирин қилиб пайванд  
Биз-ла ташлайди қадам.

Тоғ тоғ билан учрашмас,  
Учрашар дүст дүст билан.  
Ұзбек, мұғул чамбарчас  
Дүст тутинган рус билан.

1968

## **СУРАТ ҲАҚИДА БАЛЛАДА**

---

**(Г. Зинченко дар)**

**Болалик... Ёдимда бир сурат ҳамон —  
Ўзбек жангисининг менга ҳадяси:  
Саҳрода нортуя кезар беармон,  
Саратон тигида унинг сояси.**

**У чизиб берарди менга кўп сурат:  
Бозор ва чинорлар, оқимтири Чотқол  
Ҳам бизга кўзада сут берган чолга:  
— Раҳмат,— дерди,— раҳмат Сизга, оқсоқол.**

**...Днепр бўйида бўлди ярадор,  
Рассомни кўтарди энди лазарет.  
У менга қон томган суратни ёдгор —  
Қолдириб, ёзибди: «Шаҳримдир Тошкент!»**

**Шундан буён менга яқин бу шаҳар,  
Номини эшиксам, яйраб кетар жон.  
У менга хаёлий бўлиб кўринар,  
Тошкент — дўстлик шаҳри,  
Тошкент — бир бўстон!**

**Мана, Ўзбекистон пойтахтидаман,  
Афсонавий Тошкент — обод ва маъмур.  
Меҳмондўст ўзбеклар қалб тахтидаман,  
Очиқ чеҳралардан ёғилади нур.**

**Бозор. Бунақасин кўрмадим ҳануз —  
Табиат, меҳнат ва талант инъоми!  
Анвои мевалар, қовун ва тарвуз,  
Шовқини лол этар ҳар бир одамни.**

**Андижон анжири, Бухоро гази,  
Фарғона атласи бунда мужассам.  
Тошкент —  
Ўзбекистон қалби, даҳоси,  
Қардош шаҳарларга оға ва ҳамдам.**

**Шаҳарга табиат солганда ларза,  
Янграганда «Тошкент» сўзи бонгсимон,  
Қалб қўрини берди сенга Россия  
Ва қаддинг ростладинг мисли паҳлавон.**

**Пахта жамолида қуёш кўринар,  
Фавворалар — қийғос очилган чаман.  
...Кутлуг қонли сурат тушимга кирар —  
«Менинг Тошкентим!» деб бўзурман қалдан!**

**Тошкент — Чернигов.  
1974, октябрь.**



## **МУБОРАКБОД**

Пахтакор дўсту ўртоқлар,  
улкан хирмон мўборак,  
Довругингиз бўлди достон,  
шарафу шон мўборак!  
Кўриб зафар байроғини  
тонг билан йўндинм қалам,  
Неча ойлаб кутганим зор —  
катта карвон мўборак.  
Марказком бўлиб раҳнамо,  
Саркотиб берди мадор,  
Беш миллион уч юз мингга  
содиқ сарбон, мўборак.  
Тоғ қаддини дол айлагай  
сизлар чеккан заҳматлар,  
Ёмигури қор, дўл кор қилмас  
марду майдон, мўборак.  
Тошкент, Сурхон, Жиззах менга  
Самарқанд янглиғ азиз,  
Қашқадарё, Қорақалпоқ,  
ғолиб Анжон мўборак.  
Эй, Фарғона деҳқонлари,  
қамчи босинг тулпорга,  
Сирдарё от қўйиб келар  
марса томон, мўборак.  
Элнинг метин елкасидан —  
ағдарилди гўё тоғ,  
Эркин нафас олур буғун  
бободеҳқон, мўборак.  
Сизга юрак олқишиларим,  
Қўёшдек балқишиларим,  
Кўй, қўшиқдан кўнгли сарҳуш  
азиз инсон мўборак.  
Энди катта тўйлар бўлур,  
навбат келди, чавандоз,  
Эгарлагин тулпорингни,  
сенга майдон, мўборак.  
Эй, Созанда ,чал созингни,  
куйга тўлсин бу олам,

**Бутун элининг тўйидир бу,  
музaffer он, муборак.  
Манглайнингдан тўкилган тер  
унди ердан дур бўлиб,  
Кел, қўлингдан ўпай сенинг,  
Узбекистон, муборак!**

**1976**



## ЯНА КЕЛДИМ СЕНГА, РИМ

Беш денгизни ошиб яна  
Йўқлаб келдим сени, Рим.  
Тибр каби тошиб яна  
Кутиб олдинг мени, Рим.

Ланг очдинг-да, дарвозангни  
Пешвоэ чиқдинг йўлларимга.  
Достон қилиб овозангни  
Нон-туз тутдинг қўлларимга.

Бир туз тотган ерга қирқ кун  
Салом бермак — удум бизга.  
Нону тузинг шунинг учун  
Муқаддас деб суртдим кўзга.

Уч йил бурун тузингtotиб,  
Боқсан эдим сенга хумор.  
Тарихингдан ўйга ботиб,  
Кеъзган эдим тунлар бедор.

Бугун яна меҳринг қўмсаб,  
Қадам қўйдим тупроғингга.  
Дийдорингдан кўнглим юмшаб,  
Отилдим мен қучоғингга.

Сенда қолган насибамни  
Узатдинг-да, икки қўллаб,  
Тинглаб ўтли қасидамни  
Пешонамни қўйдинг силаб.

Қабул айла, сенга тенгдош  
Она шаҳрим саломини.—  
Юрагимга мангу сирдош  
Самарқанднинг каломини.

Бу калом бир зийнат эрур  
Навоийнинг ашъорига.  
Шуҳрат тохин эҳсон этур  
Гафур ғулом диёрига.

Ўзбекистон тожнга ул  
Чашми гавҳар зрур ноёб.  
Бу тил бирлан бутун бир эл  
Қалбидан жой олган офтоб.

Уша офтоб эйёснини  
Килригимда олиб келдим.  
Унинг меҳри гиёсинини  
Қорачигга солиб келдим.

Бу эҳтиром — сенинг буюн  
Фарзандларинг даҳосига.  
Ўзбек отлиқ элда суюк  
Дилбандларинг закосига.

Бошим эгиб, турибман шод  
Остонангда, эй кўҳна Рим!  
Мени сийлаб, кийгиздинг бот  
Апенниндан бир дафна, Рим!

Рим,  
1976



## ЭГИЗАКЛАР

1

Бизнинг бахти замонда,  
Ургут деган томонда  
Яшаркан икки бола,  
Икки құвноқ шалола,  
Оти Ҳасан-Ҳусанкан,  
Доим ясан-тусанкан.

2

Бұстон деган қишлоқда,  
Ойна күзли булоқда,  
Қорлы төғ этагида,  
Азим чинор тагида.  
Мен билан Ҳасан-Ҳусан  
Сүдбат құрди завқ билан.

3

Иккөви әм шұх экан,  
Қишлоқда тенг йүқ экан.  
Гапин тұратмай Ҳасан,  
Илиб кетаркан Ҳусан.  
Бир-бирига бермай гап,  
Бұлишмасди әч үсал.

4

Каттароқ экан Ҳасан,  
Кичириоқ экан Ҳусан.  
Кичиқлигин лек Ҳусан  
Олмас эди сира тан.  
Мен сендан каттаман, деб,  
Турарди күкрап кериб.

5

Ҳасан жұжахүроздай,  
Қаддини ростлаб ғоздай,  
Бўйингни ўлча, дерди.  
Мен сендан катта, дерди.

**Мен бир энлик баландман,  
Билсанг сенинг акангман.**

**6**

**Ха, сен менга аками!  
Айтинг-чи, сиз амаки.  
Мен каттами ё Ҳасан!—  
Дерди ўжарроқ Ҳусан.  
Ҳасан катта десам гар,  
Ҳусан мендан ўпкалар.**

**7**

**Ҳасан катта ё Ҳусан,  
Ҳусан катта ё Ҳасан!  
Отлари айтиб турар,  
Усиб, чинордай бўлсин  
Ва юртни қойил қиласин!**

**1976**



## **ПАХТАКОР ФАРЗАНДИ**

Пахта учун кураш кетар  
Бизнинг буюк ўлкада,  
Кураш билан кунлар ўтар  
Пахтакор республикада.

Елкалари ер кўрмаган  
Паҳлавонлар беллашар,  
Зўр майдонда тинч турмаган  
Мард инсонлар беллашар.

Бу курашда белни боғлаб,  
Енг шимарган барча жон,  
Пахтакорлик бурчин оқлаб,  
Қучиб зафар, қучиб шон,

Довруғини қилиб достон  
Бир-бирини қўллашар,  
Толалардан ясаб хирмон  
Карвонларин йўллашар.

Бу курашда минг-минглаб мард,  
Ўт юракли баҳодир,  
Майдон ичра бўлиб жўмард,  
Тоғни йиғмоққа қодир.

Бу курашда бутун бир эл,  
Бутун ўлка сафарбар.  
Қовуштириб турса ким қўл  
Эл унга солмас назар.

Сўнгги чаноқ, сўнгги тола  
Бўлмасин дея лайхон,  
Қор тагида қилиб нола,  
Қолмасин деб бағри қон.

Ишчи-ю, зиёли ҳам  
Пахтакор-ла ҳамдамдир  
Ва жонига бўлиб малҳам,  
Барча собит қадамдир.

**Студентлар бу курашда  
Олиб кетар улоқни.**

Ўқувчилар бир қараща  
Кўзлай олур чортоқни.

Бу курашда сафарбардир  
Пионер авлоди ҳам.  
Кўзларида ўт ёнадир  
Пахтакорга бериб ёрдам.

Пионерлар яхши билур  
«Оқ олтин»нинг ҳимматин.  
Меҳнати юрт нақши бўлур,  
Эл қадрлар ҳимматин.

У билади: пахтазорнинг  
Багри тилсимилигини  
Ва қўли гул пахтакорнинг  
Аслида кимлигини,

Ваъдасига вафодордир  
Бобо дедқон-пахтакор.  
Пахтакорлини касбидан, ҳур —  
Ўзбекистон баҳтиёр.

Бир килоча «оқ олтин»и  
Бир пуд олтин донга teng.  
Тоғ қилиб гар уйсанг уни  
Ҳимолайдан бўлур чўнг.

Беш миллионлик зўр хирмони  
Олти миллион пудлик дон.  
Тандир-тандир ёпсанг уни  
Ер юзиға сиғмас нон,

Шуннинг учун пионерлар  
Мардана ташлаб қадам.  
Яна бир зўр беринг, дерлар,  
Ердамдамиз бизлар ҳам.

Балли сенга, эй, пионер,  
Эй, пахтакор фарзанди!  
Сенга ҳалқим оғарин, дер,  
Эй, она юрт дилбанди!

(Н. Бараташвилидан)

## ЮЛДУЗИМГА

Сен аччиқ қиласан кимга мунча ҳам!  
Сен билан омадим ўнгидан иелмас.  
На қилай шўр экан менинг пешонам,  
Юлдузим, сен билан толеим кулмас.

Гар сени кўрмасам булатлар аро  
Тақдирдан норизо, деб сен ўйлайсан.  
Ёриин умидлари бўлганми қаре  
Фурбатда бу гариб, деб сен куйгансан.

Ниноҳлаб қўйилган англиғ иккимиз:  
мен учун сен мангуда ҳаётбахш нурсан.  
Зулматда йўқолиб кетсанг-да беиз,  
Лек қалбим кўкида порлаб турурсан.

Шундай кун келади, тиниқ ва сокин,  
На шамол эсади, на ётар ёмғир.  
Сен кўндам чарақлаб сочгандада ёлқин,  
Слам, бу юлдузни кўрмагандим, дер.

1837

## ЧАҚАЛОҚ

Йўргакдаги чақалоқнинг  
саси жуда ёқимтой,  
Худди кўйдан ерга тушган  
илоҳий руҳ каби у.  
Жаннатнамо бир нимани  
чулдираиди ҳойнаҳой,  
Волидасин қулогини  
жаранглатар шўх кулгу.  
Ишонч билан яралгандир  
болалигин дунёси,

**Онажони енидадир**  
шул сабаб ул хотиржам.  
**Мұлтираган күзларида**  
саодатнинг зиёси,  
**Атрофига назар солар**  
құрқуа билмай сира ҳам.  
Унинг учун ҳали ҳаёт,  
муаммо эмас сира.  
**Түғилди-ю одамларни**  
қылди гүё қарздор:  
**Ҳамма бир-бир әгилмишдір**  
чақалоқ боши узра,  
Токи гұдак толиқиб,  
ухлаб қолгунга қадар.  
**Кабутардай гувранавер**  
маъсумгина чақалоқ,  
**Үз тилингда сўзлайвергин,**  
тушунармиз тилингни —  
**Ҳали ёшсан, сўйлаб қолгин,**  
үткінчи дунё бироқ  
**Ёлғон билан заҳарлаб**  
қўйгунича дилингни.

1839



## О Н А

{Сонет}

Минг рангда товланар она қўлида  
Ўзбекистон гуллари.

Дур бўлиб сочилар она йўлида  
Ўзбекистон гуллари.

Фунчадай лаб очар она дилида  
Ўзбекистон гуллари.

Чамандай қулф урар она элида  
Ўзбекистон гуллари.

Онани етаклар Доҳий қошига  
Ўзбекистон гуллари.

Ер исин уфурар эрк қуёшига  
Ўзбекистон гуллари  
Баҳт тоҳкин кийдирар она бошига  
Улуғ инсон қўллари.

1974



Ўзбекистон қучогида  
Чўққиларга уриб тўш,  
Камол топиб эл боғида  
Учиб юрар кумуш қуш.

## Б алла д а л а р



## КУМУШ ҚУШ

1

Узбекистон қучогида  
Чўққиларга үриб тўш,  
Камол топиб эл боғида  
Учиб юрар кумуш қуш.

Кумуш қушнинг қанотлари  
Момиқина, уклардай,  
Ушалиб ўй-ниятлари  
Чарх уради каптардай.

Қулоч отиб юлдузларга  
Ойни кўзлаб учади.  
Еғду сочиб кундузларга  
Оқ төгларни қучади.

Қучогига олиб само  
Эриалайди субди шом.  
Қанотига ёзиб нома  
Қуёшга йўллар салом.

Эртакларда ийланмаган  
Афсонадир кумуш қуш.  
Достончилар ийламаган  
Дурдонадир кумуш қуш.

Бу бир қушким, ўнлаб достон  
Камлик қилур үғаънига.  
Қўшиклиарга баҳш этиб жон,  
Жон бўлур эл жонига.

Бу бир қушким, олам аро  
Ҳумо каби мўътабар.  
Юрт ҳуснига бериб оро  
Водийларга сочар зар.

Бу бир қушким, эл бошига  
Кийдиради оптин тож

**Ва ҳаётнинг наққошига  
Бўлур авжи дилхирож.**

**Бу бир қушким, тахти зафар  
Интизор қадамига.  
Қутлуғ бўлсин дея сафар,  
Мунтазир карамига.**

**2**

**Узбекистон қучогида  
Чўйқиларга уриб тўш,  
Камол топиб эл боғида  
Учиб юрар кумуш қуш.**

**Кумуш қушнинг қўшигини  
Эл тинглайди маҳлиё.  
Тонгда очиб эшигини  
Йўлига сочар зиё.**

**Қўнгин менинг кафтимга деб,  
Қошига чиқар пешвоз.  
Бергин дея үйимга зеб,  
Кумуш қушга айтар роз.**

**Қушнинг сеҳру имосидан  
Тўш урар завқ наҳрига.  
Кўзидағи жилосидан  
Ўт тушади қалбига.**

**Бахт тоғини этар тудфа,  
Кумуш қушни тутса ким,  
Оlam аро ғоят турфа  
Калитин берар тилсим.**

**Шу тилсимни очган инсон  
Бўлур тенгсиз баҳтиёр,  
Унда бордир туганмас кон,  
Умри минг йилга пойдор.**

Кумуш қүшнинг кўзларида  
Порлар шодлик ёгдуси.  
Тўлин ойдек юзларида  
Балқир севган оҳуси.

Қуёш кулган манглайида  
Ярқирап тахти иқбол.  
Эл кўтарган танглайида  
Бийрон тили мисли бол.

Юмшоққина оқ тўшида  
Инсон қўлин изи бор.  
Садафдан ҳам пок тишида  
Умрзоқлик барқарор.

Бу на Семруг, на Ёнар қуш,  
На Турнадир ва на Ҳумо.  
Булбул каби лек сайрап хуш,  
Дил бўлур пок қилса имо.

Кумуш қүшнинг пойқадамн  
Теккан уй бўлур обод  
Ва парпираబ ҳаёт шами  
Юракларни этур шод.

Хонадонга Файзу шукух,  
Фаровонлик ёр бўлур.  
Чеҳраларга ойдин бир руҳ,  
Чарағонлик ёр бўлур.

Кулиб умр кошонаси,  
Билмагай қайгу-ғамни.  
Олтин бўлиб остонаси  
Узмагай эл қадамни.

3

Ўзбекистон қучогида  
Чўққиларга уриб тўш,  
Камол топиб эл боғида  
Учиб юрар кумуш қуш. .

**Кумуш қүшнинг қарашидан  
Оқаради тун бағри.  
Қўзиғаги оташидан  
Оташланар кун бағри.**

**Чаноқларни этиб мафтун  
Пахтазор оғушида,  
Жилмаяди тонгда дуркун,  
Қуёш балқиб тўшида.**

**Висолига элни чорлаб,  
Очади қучогини.  
Чаноқларда дурдай порлаб,  
Тутади дудоғини.**

**Ким қошига қўйса қадам,  
Қўксини тоғ қиласди.  
Айлаб унга лутфи карам,  
Қўнглини боғ қиласди.**

**Қучогида этиб ханда,  
Ушалтирас орзусин.  
Қолмагин деб ҳеч армонда,  
Узатар нону тузин.**

**Чаман бўлар борки чаноқ,  
Учиб ўтса кумуш қуш.  
Чаноқларда қайнар булоқ,  
Қучиб ўтса кумуш қуш.**

**Машнналар елкасида  
Олтин сандиқ тебранар  
Ва пахтазор ўртасида  
Оппоқ тоғлар юксалар.**

**Сайилгоҳга ўхшаб кетар  
Олтин кузда пахтазор.  
Гўё борлиқ соврин тутар  
От ўйнатса пахтакор.**

Узбекистон қучғигда  
Чўққиларга уриб тўш,  
Камол топиб эл бағрида  
Учиб юрар кумуш қуш.

Кумуш қушнинг лараозини  
Эп кузатар шодумон.  
Тинглаб дилбар овозини  
Түғён қиласар танда жон.

Кумуш қушнинг қанотида  
Порлар зафар номаси  
Ва оромбахш бвётида —  
Пахтакор муддаоси.

Бу қуш шундай ажигб қушким,  
Мадҳи сиғмас жақонга.  
Бу қуш шундай нажигб қушким,  
Бахт келтирас инсонга.

Бу қуш қўнса эл муроди  
Ҳосил бўлур чинакам.  
Пахтакорлар мард авлоди  
Бахтига бўлур ҳакам.

Бу қуш қўнса, она-Ватан,  
Оёғига сўяр қўй!  
Садқа дея жон бирла тан,  
Элда қиласар катта тўй!

Бу кумуш қуш — ҳосил қуши,  
Парвози жуда баланд,  
Уклар каби олпоқ тўши  
Юксак тоғларга пайванд.

Бу кумуш қуш — ҳосил қуши,  
Парвозига жон фидо.  
Пахтамизнинг ғолтин кўшки  
Таҳтига қўнган ҳумо.

**Бу кумуш қүш — ҳосил қүши,  
Она тупроқ неъмати.  
Пахтакорнинг юртга ишқи,  
Таги олтин мәднати!**

**Бу кумуш қүш — ҳосил қүши,  
Баҳт қушидир бегумон.  
Она ерга тегса тұши,  
Армонсиз Ўзбекистон!**

**1975**



## **ҒАЛАБА ҚУШИГИ**

**Қўйганимда саккизга қадам,  
Кулиб боқди қуёшли олам.**

**Нурларидан кўзим қамашиб,  
Парвонадай ёғду талашиб.**

**Мен ўзимни бағрига отдим,  
Маъюслигим тамом йўқотдим.**

**Завқим уммон каби чайқалди,  
Еру кўкна сигмайин қолди.**

**Юрагимда мавж урган дарё  
Тўлқинида чўмилди дунё.**

**Кўзларимга яна ҳам кўркам  
Кўринди бу наврўзи олам.**

**Табнатнинг кўҳликлигидан,  
Қир-адирнинг кўм-кўклигидан.**

**Дилда ажнаб ҳислар қўзғалди,  
Сеҳри бутун хаёлим олди.**

**Тоғлардаги ол лолаларда,  
Шувиллаган шалолаларда**

**Табнатнинг бор томошаси,  
Кезар эди баҳор нашъаси.**

**Булоқларининг қирғоқларида,  
Чинорларнинг бутоқларида**

**Булбуллар ҳам қуриб ошиён,  
Куйлар эди ўша кун хушхон.**

**Ўша куннинг қутлуғ знёси,  
Саодатли сарин сабоси**



Менинг мурғак оҳуларимни,  
Кабутардай тўйгуларимни

Бешигида аллалаганда  
Ва бошимни силаганида,

Одамларнинг кўзларида ҳам,  
Табассумли юзларида ҳам

Шодлик рамзин кўриб қувондим,  
Қувондим-у, оташда ёндим.

Радионинг карнайидан ҳам,  
Акам чалган шўх найидан ҳам,

Кенагасда худди ўша тонг  
Таралганди ажиб бир оҳанг.

Жигари қон бўлган аёллар,  
Кўнглини ғам ўртаган чоллар

**Дол қаддини гоздайин тутыб,  
Жон қулоги билан эшитиб**

**Ғалабанинг овозасини,  
Ланг очишди дарвозасини.**

**«Суюнчи!» деб қўни-қўшнига,  
«Суюнчи!» деб оға-инига,**

**«Суюнчи!» деб болалар ғужгон  
Югуради уйма-уй шодон.**

**Кўкаламда ҳамқишлоқларим,  
Қийқиришиб дўст-ўртоқларим,**

**«Омон-омон» бўлди дегани,  
«Уруш тамом» бўлди дегани,**

**Кечагидай ёдимда бугун,  
Кўз олдимдан ўтар ўша кун.**

**Кўкрагида орден порлаган  
Ва қошига элни чорлаган.**

**Днепрдан сузиб ўтганлар.  
Қони билан мактуб битганлар,**

**Варшавада бир қўли қолган,  
Бир оёги жангда йўқолган**

**Қўлтиқтаёқ тутган аскарлар,  
Прагадан ўтган аскарлар,**

**Будапештни озод этганлар  
Ва Дунайдан ҳатлаб ўтганлар,**

**Софияда топиб дўст-ўртоқ  
Рейхстагга қадашиб байроқ**

**Мардлигига ҳайкал қўйганлар,  
Она юртин жондан сўйганлар**

**Кўчаларни тўлдириб шодмон,  
Кўлашгани ёдимда ҳамон:**

**«Эй, она юрт! Эй, азиз Ватан!  
Душманингни иўмдик бенабан.**

**Сен орзиқиб нутган чоғ иелди,  
Гўё чўлга чаман боғ иелди,**

**Йўлларига солгни поёидоз,  
Келаётир жангчи чавандоз,**

**Фарзаид меҳрин кўнглига жойлаб,  
Тошиксарда йўлини пойлаб,**

**Онажонлар нутинг баҳтиёр,  
Қайтаётир сиз нутган шунқор**

**Тезроқ, пўлат сандиқни очинг  
Ва йўлига тангалар сочинг.**

**Шоҳи рўмол ўраб келинлар  
Ерни қутлаб, яйраб иулинглар.**

**Бу кун сизга атлас ярашар,  
Бу кун ҳамма сизга қарашар.**

**Белакайлар, миниб хиамч от,  
Катта йўлни қилингиз обод!»**

**Ҳамқишлоқлар, бугун айёmdir,  
Ватан шодлии майига жомдир.**

**Ғалабанинг қўшигин кўялаб,  
Жанг-жадалдан достонлар сўйпаб.**

**Қайтар бу кун зап қаҳрамонлар,  
Донг таратган мард паҳлавонлар.**

**Қулоқларин тўлдириб гулга,  
Гулларини сочишиб йўлга.**

Ватандошлар шод-бахтиёрдир,  
Қалбларида гулгун баҳордир.

Тоғларини айлаб лолазор,  
Боғларини эса бир гулзор.

Қирларида яшнатиб кўклам,  
Келинчакдай ясаниб ўлкам

Осмонини қилиб беғубор,  
Тонгдан айтиб қўшиқ ва алёр

Олқишилайди мардларни Ватан,  
Қолған умрин қиласай деб чаман.

Жаңғдан омон қайтган ботирлар,  
Юртни шонга буркаган эрлар

Пешонамиз силаб улғайтди,  
Бошимизда қўшиқлар айтди.

Кўзга суртиб она тупрогин,  
Бўстон этди унинг қучогин.

Уттиз йилким, элимнинг ҳамон  
Юрагида яшар бир армон:

Бу — қурбонлар қутлуғ руҳидир,  
Бу — оталар чеккан оқидир.

Бу — фарзанди догоида тутун  
Онажонлар бағрин эзган ун.

Бу — қалбларда ўртаган баёт,  
Бу — мангуга сўнмас хотирот!

Шунинг учун ҳар баҳор чоги,  
Гулга тўлиб Ватан қучоги

Уғлонларин гул умрин эслар,  
Келажагин, нўз нурин эслар.

Улар рүҳин мангу этиб шод,  
Таъзимдадир бу кун ёш авлод!

Қўйганимда саккизга қадам,  
Кулиб боқди қуёшли олам.

Ўша куннинг заррин жилоси,—  
Шеърларимнинг олтин имлоси!

Ўтса ҳамки шонли ўттиз йил,  
Ўша кундан нурланади дил.

Ғалабамиз қутлаб қуёш ҳам  
Ўша тонгда боққанда хуррам.

Отажоним кўриб баҳтнёр,  
Шеър ёзгандим шунда тўрт қатор:

«Отам бўлиб қаҳрамон,  
Урушдан қайтди омон.

Энди отам кетмайди,  
Ииғламанг ҳеч, онажон!»

Қўйганимда саккизга қадам,  
Кулиб боқди қуёшли олам.

Ўша куннинг заррин жилоси,—  
Шеърларимнинг олтин имлоси!

1974—1975

## ОНАЖОНЛАР

Мунис она иссиқ бўсаси  
Фарзанд қалбига ором.  
Бешик ўзра айтган алласи  
Кашф этар янги олам.

Дўмбоққина гўданка она  
Меҳри чексиз, бепоён,  
Қайғу унга бўлиб бегона,  
Түнлар бошида посон.

Қалб севинчи кўринар аён  
Меҳрибон нигоҳида.  
Болам дея Фидо этар жон,  
Ўссин дер паноҳида.

Икки ширин жонни кўриб шод,  
Унутаман ўзимни.  
Ва бир лаҳза хаёл ичра банд  
Чирт юмаман кўзимни.

Эртак айтиб аччик ўтмишдан,  
Жонланар кўдна замон.  
Доғлангандай қалбим кечмишдан  
Азобланар бегумон.

Кўз ёшлар-у, нолаю афғон  
Ўртар менинг жонимни.  
Хотиралар қайнар бегумон,  
Эътиқод, имонимни.

Бирдан балқиб умид қуёши,  
Оlam бўлар мунаввар.  
Кўкка етиб аёллар боши  
Бахтга бўлур мұяссар.

Аёлларни мадҳ этган қўшиқ  
Тутиб кетар оламни.  
Бу қўшиққа асло сарҳад йўқ,  
Лол этар ҳар одамни.

**Аёлларнинг аянч тақдири  
Асрлар тарихидир.  
Қулдай эзган зулм занжири  
Асрлар таърифидир.**

**Кўз олдимда мунгли манзара  
Бўлса ҳамки намоён,  
Янги даврон мадҳин бир бора,  
Айладим эзгу достон.**

**Онажонлар, Сиздай инсонни  
Солдим бугун ашъорга.  
Қўшиқларим тутсин осмонни,  
Роз айтсанн азиз ёрга.**

**Нигоҳларда барча сир пинҷон,  
Умри тугал афсона.  
Сочларининг толасисимон  
Қора кунлар — бегона.**

**Қуёш каби қиё боқса гар,  
Тарқалар ғам булути.  
Қадам қўйса, гуллайди баҳор,  
Бузилар чўл сунути.**

**Хандон урса, ғунча очар гул,  
Эрийди тоғлар қори.  
Тўлиб оқар дарёлар буткул,  
Чертилар юрак тори.**

**Нега бунча шод-хандон дев  
Сўрсангиз мендан агар,  
Сизга жуда узун ҳикоя  
Сўйлай дейман бир сафар:**

**... Бир замонлар филқудрат Шарқда  
Ожиза эди аёл.  
Умри ўтиб қафас, тузоқда  
Ишларди мисли ҳаммол.**

Мактаб юзин кўрмади аёл,  
Қолиб кетди узлатда.  
Пешонасин ўпмади иқбол,  
Умри ўтди ғурбатда.

Кўчаларда кезди саргардон,  
Шўр экан деб пешонам.  
Орзу қилди, келса-ю, даврон,  
Кулгига тўлса хонам.

Лекин шаҳло кўзи, мужгони,  
Ғунча лаби, ой юзи,  
Ҳиндуда холи, қоши камони,  
Ўймоқ сингари оғзи.

Хипча бели, сарви қомати,  
Оппоқ нозик бармоғи,  
Бодом янглиғ қобоғи.  
Қўш қоядай мармар кўнраги,

Ҳажру васли, нозу фироғи  
Ширин сўз, раънолиги,  
Мудаббати — кўнглин чироғи,  
Дилбару зеболиги

Шоирларнинг тилидан тушмай,  
Мадҳ этилди у замон.  
Бу мақтовлар олдидага ҳатто  
Торлик қилди осмон.

Сочин юлиб баҳтсиз аёлдай,  
Инглаб ўтди асрлар.  
Аёлларнинг дардига даво  
Тополмади насллар...

Узбекистон зулму ситамдан  
Бўлгач бутунлай озод,  
Кулиб боқди баҳтли субҳидам,  
Дилларни айлаб обод.

Янги даёт ва янги даврон  
Ғунча каби ёзи гул.  
Гам тогини қилгандай талқон  
Шодликларга тўлди дил,

Озодликнинг сочди нурини  
Инқилобнинг қуёши.  
Бахтли кўрди порлоқ умрини  
Шарқнинг кексаю ёши.

Аёллар қам топди эркини,  
Адолат офтобидан.  
Уқиб олди замон ҳукмини  
Инқилоб китобидан.

Юзларида ўйнаб табассум,  
Кўрсатди ёрқин жамол.  
Паранжисин ёндириб мамиун  
Эл аро топди камол...

Бугун ўзбек аёлин номи  
Бахш этар дилга сурур.  
Довруғи ҳам тутди жаҳонни,  
Қалбида фахру ғурур.

Аёлларнинг ноёб безаги  
Ҳусн эмас, бахт эрур.  
Маҳрум этма уни шу баҳтдан,  
Шу баҳт — юксак таҳт эрур.

1968



## НИҲОЛ ВА ЧИНОР

Саҳнамизда ниҳол ва чинор,  
Чинор ғамгин, ниҳолда виқор.  
Ҳамма ўйчан, ҳамма сукутда,  
Термилади ҳамма паришон.  
Юраклари чулғаниб ўтда,  
Оловланар кўзлар бегумон.  
Улар ахир шу ёшга қадар,  
Кечирмаган бу ҳолни бошдан.  
Ҳаяжондан қалблар тўлғанар,  
Саҳнамизда балқан қуёшдан.  
Яшин гўё чаққандай чақмоқ.  
Тилга кирап ғижжаги ғамнок.  
Тилга кирап жўшқин, ларзакор,  
Тоғу тошлар берар акс садо.  
Гўё бўнда ғулқон зарби бор.  
Кудратидан титрар ер, само.  
Тўлғинлардай сапчир қирғоққа,  
Дарё мисол ёзар қулочин.  
Эфир билан учар йироққа.  
Чўқини забт этгандай лочин.  
Сизга ўша куй баёнини  
Сўзламоққа ошиқар қалбим.  
Сор лочиндай куй поёнини  
Сўзламоққа шошиқар қалбим.  
«Уруш» десам тилим куяди,  
«Уруш» сўзи тушса эсимга,  
Калиматга келмайди тилим.  
Жаңг кунлари кирса тушимга,  
Япроқ каби титрайди дилим.  
Уруш, сенга нафратим, қаҳрим!  
Үқдек учар ғазабим, заҳрим!  
Кўзларимни ўйиб олсанг ҳам  
Талқон бўлмас тоғ каби сабрим.  
Кўзларимни ўйиб олсанг ҳам  
Кўйим билан қазийман қабринг.  
Кўзларимни ўйиб олсанг ҳам  
Сенга отгум нафрат тошини.  
Кўзларимни ўйиб олсанг ҳам  
Сенга отгум оғат тошини.

**Сен бошларга солган асорат**  
**Гирдобида ўртанди олам.**  
**Сенинг босган изинг касофат,**  
**Вужудингда вабо мужассам.**  
**Дунё агар бўлса тирик жон,**  
**Сен ундаги қуидирги, чипқон.**  
**Дунё агар бўлса тирик жон,**  
**Сен гирдобга тортувчи ўпқон.**  
**Тирик жондан ўша чипқонни**  
**Йўқотмоққа қодирдир инсон.**  
**Гирдоб сари тортган ўпқонни**  
**Жиловлашга қодирдир замон!**  
**Олқишилардан янграб кетди зал,**  
**Қандиллар ҳам тебранди сокин.**  
**Қарсак чалмиш ҳамма галма-гал,**  
**Юракларда даяжон доким.**  
**Одамларнинг юзига боқсанг,**  
**Фижжакчининг кўзи кўринар,**  
**Одамларнинг сўзига боқсаиг,**  
**Фижжакчининг сўзи кўринар.**  
**Киприкларга қўниб олган ёш**  
**Кўнгил бўшлиқ аломатимас.**  
**Киприкларга қўниб олган ёш**  
**Кўнгил ҳушлик аломатимас.**  
**Кўйни яхши кўрган одамлар**  
**Кўйни тинглаб йиглашин кўрдим.**  
**Кўй завқини сурган одамлар**  
**Кўйдан қалбин тиғлашин кўрдим.**  
**Воқи́ ё бўлинг, Нью-Йорк, Лондон**  
**Ҳам Парижнинг кўчаларида,**  
**Фала-ғовур кечаларида**  
**Фижжакчилар юрар сарғардон,**  
**Расталарда хомуш ва ҳорғии,**  
**Қуволмасдан кўзлар мудроғин,**  
**Тун ярмидан ошиб қолса ҳам**  
**Унда-бунда тентирар одам.**  
**Одам бўлиб түгилган одам**  
**Боши узра бир дунё алам.**  
**Кун кўради**  
**Кўй чалиб ёлғиз,**  
**Кўй чалади пул олиб ёлғиз.**

Саҳнамизда ниҳол ва чинор,  
Чинор ғамгин, ниҳолда виқор.  
Чинор кўрган қора бўроннинг  
Даҳшатини кўрмаган ниҳол.  
Чинор сурган қонли суроннинг  
Ваҳшатини кўрмаган ниҳол.  
Кўзларидан айрилиб чинор,  
Қорачигин берган ниҳолга.  
Кўзларидан айрилиб чинор,  
Юрак чўғин берган ниҳолга.  
Саҳнамизда ниҳол ва чинор,  
Коммунизм элчиси бири.  
Саҳнамизда ниҳол ва чинор,  
Жангу жадал йўлчиси бири.  
Чинор менга яқин, қадрдан  
Наққош эди, эди зўр меъмор.  
Санъатидан топар эди жон.  
Нақши кўчган мадраса, минор,  
Кўйларидан сездим мунаммал,  
Кўзин юлган бомба даҳшати.  
Минорларга беролмай сайқал  
Фижжагига кўчган санъати.  
Нақл бергандай минорга чинор  
Куй нақшини солмоқда дилга.  
Бу нақш ўчмас қалбдан бир умр,  
Уни элтар сўнгги наслга.  
Боқинг, қандай улуғ санъаткор!  
Минор эмас, қалбларга наққош  
Лаънат ўқир урушга минг бор,  
Унга сен ҳам қўшил, замондош!  
Саҳнамизда ниҳол ва чинор,  
Чинор ғамгин, ниҳолда виқор!

## ЧЕГАРАДАН ХАТ

1

Салом сизга, азиз онажон,  
Чегарадан соғинчли салом!  
Менга айтиб қўшиқ ва достон  
Пок қалбимда яшайсиз мудом.  
Қўёшдан ҳам иссиқ меҳрингиз  
Юрагимга кўчирган, она!  
Кўз қорангиз, севган ўғлингиз  
Гулшанларга учирган, она!  
Сиз эмасми гўдаклигимда  
Бешик ўзра қўёшни кутган!  
Сиз эмасми, мурғаклигимда,  
  
Алла айтиб кўнгилга битган!  
Сиз эмасми, қўшиқ ва достон!  
Сиз эмасми, нурли саодат!  
Сиз эмасми, гуллаган бўстон!  
Сиз эмасми, ишонч, садоқат!  
Уша сиймо сизсиз, онажон!  
Уша дунё сизсиз, онажон!  
Сўзларимда сўзингиз бордир.  
Кўзларимда кўзингиз бордир.

2

О, онажон!  
Ёдимда ҳамон  
Перрон тўла эркак ва аёл.  
Жўнатгани бизларни шодон,  
Байрам тўнин кийганди вокзал.  
Ҳарбий хизмат кутарди бизни,  
Полигонлар очарди қучоқ  
  
Маскан этиб пок қалбингизни,  
Кўксингизга бош қўйдим қувноқ,  
«Аианг бўлди урушда қурбон,  
Омон қайтгил уйга», дедингиз.  
Қалбингизни тилкалаб түғён,  
Бир оз шубда қилган эдингиз.

Кўзингиздан икки томчи ёш,—  
Томганида яширган ҳам сиз.  
Юрагимга баҳш этиб оташ,  
Юртга меҳрим оширган ҳам сиз.

### 3

Тун қўйинида ухлайди ҳар ён,  
Соқчи каби кезади моҳтоб  
Юлдуз тўла ложувард осмон —  
Ўқилмаган сирли бир китоб.  
Кутмаганда менга олисдан  
Эшитилди она алласи,  
Тонгни бедор кутган онадан  
Мен тингладим ҳаёт сасини:  
«Ухла қўзим, оппоғим алла!  
Ширин сўзим, қароғим, алла!  
Кўзим нури, юксак таянчим,  
Тунда ёнган чароғим, алла!»  
Она меҳрин қайта, онажон,  
Сўйлаб берди она алласи.  
Болалигим ҳақида достон  
Кўйлаб берди она алласи.

### 4

Узун тунлар ёзган хатингиз,  
Такрор-такрор ўқилди, она!  
Ҳар бир сўзда мұҳаббатингиз,  
Булоқ каби жўш урди яна.  
Багрингизда сездим ўзимни,  
Оқ сочингиз ўпдим қайтадан.  
О, онажон, юрак сўзимни,  
Сизга бугун қандай айтаман!!  
«Чегарада соғмисан, ўғлим,  
Дўстларингнинг аҳволи қалай!  
Юрт не деса, эй, менинг қапбим,  
Ботирларча бўлиб тургин шай»,—  
Дея хатда, азиз онажон,  
Юксалтдингиз мени тоғ қадар,  
Ўглингиздан қилманг ҳеч гумон.  
Юртга бўлгум содиқ бир аскар.

Чегарада тўкилган қокни  
Муқддас деб суртаман нўзга.  
Буюк халқим она-Ватани  
Ишонч билан топширган бизга.  
Қалбга оташ, кўзга берар нур,  
Онажоним, шу буюк ишонч  
Чегарада айлайди мағрур,  
Жонажоним, шу буюи ишонч.  
Шу ишончи дилга этиб жо  
Чегарада содиқ посбонман.  
Сизга тинчлик қилиб мұдайё  
Бошингизга нурли осмонман.

## 5

Фиа!

Океандан қалбингиз кеңгидир,  
Иродангиз тоғдай мустақам.  
Пон мәденингиз қуёшга тенгдир,  
Ҳар сўзингиз — янги бир өлам.  
Она, олинг тинчгина ором,  
Шеърим билан алла куйлайн.  
Хурмат билан юракдан шу дам,  
Эзгу орзум сизга сўйлайн.  
Тилагимда бир эзгу ният —  
Гули бугун очилган чаман.  
Душманларга ётдир бу ният,  
Ҳатто бўлмас қалбида мәдмон.  
Кунлар келар, кўхна дунёда —  
Ҳалиқлар яшар эркин, қадрдон.  
«Уруш» деган сўзни луғатдан  
Ахтариб ҳам тополмас Инсон!

1959

## СОНЕТ

Эй, Ургутнинг юксак тоғлари,  
Сиз ҳамиша ўйларимдасиз,  
Менинг қўшиқ, куйларимдасиз,  
Сиз — шеъримнинг шўх булоқлари!

Болаликнинг олтин чоғлари  
Юрагимда бўлиб бир армон,  
Қолиб кетди сиз билан шодон,  
Эй, Ургутнинг юксак тоғлари!

Ёшлигимга сирдош боғлари,  
Қучогимга қайтар, деб, бир кун,  
Йўлларимга термулар маҳзун,  
Яқинмикан висол чоғлари!

Сизда қолди шеър ирмоқлари,  
Эй, Ургутнинг юксак тоғлари!

1977.

Айтиб гүё элга эртак  
Туғилибди икки гўдак.

## Д о с т о н л а р



## МАЖНУНДАРА МАЛИКАСИ

1

Шоҳимардон деган ёқда,  
Турнакўзли Қизбулоқда,  
Мажнундара қучогида,  
Чақмоқлисой қирғоғида,  
Икни факир ҳонадонда,  
Наврўз сайли кулган тонгда,  
Қўшниларни айлаб шодмон,  
Бу дунёга бўлиб меҳмон,  
Айтиб гўё элга эртак  
Түғилибди икки гўдак.

2

Ҳунари мўл бу табиат,  
Қилиб гўё эзгу ният,  
Яшнасин деб боғда гулзор,  
Боғбон бўлсин деб баҳтиёр,  
Ато қнлмиш унга бир қиз,  
Гўё кўқдан тушмиш юлдуз.  
Дурадгорга эса ўғил  
Эҳсон этиб, шод эмиш ул.  
Чунки бир кун бўлиб тиргак  
Отасига берар кўмак.  
Балки элга уйлар қуарар,  
Е қўш ҳайдаб, ғалла ўпар.  
Не бўлса ҳам икки гўдак  
Одам бўлсин, элга керак.

3

Гулдай униб-ўссин дея  
Ҳусни элни тутсан дея.  
Гулларни ҳам қилсин деб ром,  
Дилором деб қўйиши ном.  
Бўлсин дея элга йўлдош,  
Мушкул кунда бир елкадош.  
Қўлласин деб дўсту ёрни,  
Йўқ қилмасин дея борни,



Тилга олсин деб иенса-ёш,  
Үғил номи бўлди Қўлдош.

4

Ийллар ўтди сувдай оқиб,  
Инки жонга нурли боқиб,  
Болаликлар қолди йироқ,  
Ўспиринлик боқди муштоқ.  
Битта боғда топиб камол,  
Эсди ёшлик деган шамол.  
Куртак отди дилларда ишқ,  
Мушк таратди гулларда ишқ.  
Баҳра топиб Ишқ наҳридан,  
Ишқ наҳрининг зўр сехридан  
Бир йигитки бўлди Қўлдош,  
Мұшт урса гар ун бўлур тош.  
Бой йилқисин боқсин дея,  
Эл кўнглига ёқсин дей,  
Рози қилиб дурадгорни,

Обод қилур деб рўзғорни,  
Катта тўйлар қилурсиз деб,  
Ва обрўли бўлурсиз деб,  
Олиб кетди Қўлдошини,  
Ҳар бир ишда йўлдошини.

5

Шоҳимардон деган ёқда,  
Ойна кўзли Қизбулоқда,  
Мажнун дара қучоғида,  
Чақмоқли сой қирғоғида  
Дилоромдай соҳибжамол  
Ёр ишқида сурар хаёл.  
У ноз билан шому саҳар,  
Борлиққа бир солса назар,  
Хўснидан ой бўлиб ҳайрон,  
Яқосини этмиш вайрон.  
Қўзларига боқиб юлдуз,  
Этар экан тунни кундуз.  
Унга мафтун кезиб қуёш,  
Тоғлар сари излаб сирдош.  
Қамаштириб кўзларини,  
Ўпмоқ учун изларини  
Юрагига ўт ташларкан,  
Борлигини оташларкан.  
Васли бирлан яшнаб баҳор,  
Чўққиларға битиб ашъор,  
Қир-адирни айлаб чаман,  
Булбулларни куйлатиб шан,  
Сел тошириб тошлоқ сойдан,  
Сармаст бўлиб гул чиройдан.  
Кезар экан Водил бўйлаб,  
Довругини элға сўйлаб.  
Сарвқомат соҳибжамол  
Гул-гул ёниб лола мисол,  
Сайр этиб тоғ домонида,  
Сочи тушиб товонига,  
Шалоладай тўлганаркан,  
Тақимида чўлғанаркан.  
Анор янғлиғ ёноқлари,

Писта каби дудоқлари,  
Йигитларни айлаб адo  
Солар экан бошга ғавғо.

6

Дүкурласа от туёғи,  
Унут бўлиб ишқ фироғи  
Санам йўлга қарар экан,  
Сочин майда ўрар экан.  
Хиром айлаб чорбогида,  
Ўтдай ёниб ёр доғида,  
Мўлтиратиб кўзларини,  
Қўмсаб ширин сўзларини  
Кечакундуз кузатаркан,  
Кулбасини тузатаркан.

7

Қўли Қуббон томонларда,  
Чордара ё Ёрдонларда  
Тоғу тошни қилиб макон,  
Ёр ҳажрида ёниб гирён,  
Бой йилқисин боқиб мунгли,  
Ўз умридан тўлмай кўнгли,  
Саргардонлик тегиб жонга,  
Тиг қадалиб устихонга,  
Ютар экан жўмард йигит,  
Макони йўқ, ёвқур бургут.

8

Қўлдош деса, тик қоялар  
Ғурур билан садо берар.  
Дарада сой вағиллайди,  
Тун қўйнида шагирлайди.  
Чўққиларда эрийди қор,  
Сел тошириб елар баҳор.  
Гулга тўлур далаю қир,  
Кўк ўйнатар қўлда шамшир.  
Бургутлар ҳам паст учар сал,  
Улжасига урар чангали.

Құлдош деса, ғавандозлар  
 Йүлгі түшар поёндозлар.  
 Үнга ҳеч тенг келар йүқдір,  
 Сирларини билар йүқдір.  
 Лол қолдириб ул чортоқни,  
 Илиб олиб зёр улоқни  
 Босгакида тақимига,  
 Ғавандозлар яқинига  
 Келолмасдан айланарди,  
 Янги жангга шайланарди.  
 Шунда үриб күксінгі бой,  
 Кетай дейди садағанг, әй.  
 Есшқа бойлар ҳасад билан  
 Боқар үнга — күзда тикан,  
 Улоқдан сүңг эса Құлдош  
 Дилором-па бўлиб сирдош,  
 Түёлмасдан висолига  
 Сирли боқиб жамолига  
 Ердон томон қайтар эди,  
 Дарадин тогга айттар эди.  
 Яна бўлиб йилқига бош  
 Кезар эди ул тогу тош.

Мажнундара маликасин,  
 Қизбулоқнинг шўх эриасин  
 Гўзалликда танҳолиги,  
 Модитобон, барнолиги,  
 Ойки доғда қўйғанлиги,  
 Отбоқарни сўйғанлиги  
 Водилга ҳам тарқалибди,  
 Бой кўнглига ўт солибди.  
 Бой толеи кундай кулиб,  
 Ғойибона ошиқ бўлиб,  
 Қизбулоққа қўйибди от  
 Сўрагали элдан најот.

Бой келишин күтиб мұштөқ  
Отләнибди бүтүн қишлоқ  
Белларига осиб ханжар  
Ҳамроқ бұлыб уч-түрт наақар,  
Савлат тұқиб бой көлибди,  
Эл үнга минг букилибди.  
Қишлоқ экан үнга қарам,  
Шүнинг үчүн этмиш қарам.  
Бирн қүйин бοқар экан,  
Бирн молға қарар экан.  
Бири экса ерига дон,  
Бирн экан үнга боғбон.  
Хуллас, қаддин букиб қишлоқ  
Мүте экан бойга мұтлоқ.  
Лекин элнинг тилагида,  
Армони зұр юрагида  
Учқунланиб үч шұъласи,  
Порлар экан алангаси.

## 11

Қизбулоқнннг зебо қизи,  
Төг гулидай барно қизи —  
Дилоромнннг отасин ҳам  
Күнглида бор экан алам.  
Бўлса-да, ул бойга боғбон.  
Яшамаскан дориломон.  
Қизи бўйга етган сари  
Ортган экан ташвишлари.  
Қўшнисининг ўғли Қўлдош,  
Қизи билан экан сирдош.  
Бой йилқисин кетидан ул  
Кезар экан тогда нуқул.  
Тўй қилишга топмай чора,  
Сарсон экан үл бечора.  
Отаси ҳам бирор кўмак  
Беролмаскан үнга бешак.

## 12

Дилоромга кўзи түшиб  
Ва бошидан қути учиб,

Ваъда қилиб молу дунё,  
Боғбон чолни алдаб гўё,  
Бой бўлибди боғда меҳмон,  
Ёлворибди шўрлик мезбон.  
Раҳм қилинг ёшига, деб,  
Зулм солманг бошига, деб  
Оёғига йиқилибди,  
Кўздан ёши тўкилибди.  
Бой эса-чи, қилмай парво,  
Қиз кўнглига солиб ғавғо.  
Фарёдига солмай қулоқ,  
Қўлларини боғлаб шу чоқ  
Бойнинг олғир навкарлари  
Отланибди Водил сари.

### 13

Қўлдош бундан топиб хабар,  
Санчилгандай дилга ханжар,  
Қизбулоғу Шоҳимардон,  
Кўли Қуббон, ҳам Ёрдондан  
От қўйибди Водил сари,  
Тоғнинг ёвқур йигитлари.  
Бой уйини босиб шу тун  
Ҳамда уни айлаб тутқун,  
Дилоромни этиб озод,  
Қилиб қизнинг кўнглини шод,  
Бойни олиб Қизбулоқца  
Қайтишибди шу кун тоққа.  
Сой бўйига эл бўлиб жам,  
Бошларини этмасдан ҳам  
Бойга бўлсин дея ўлим,  
Чиқарибди қатъий ҳукм.  
Тошбўронга олиб бойни,  
Лойқалатиб Чақмоқсойни,  
Қаддин баланд тутибди эл,  
Муродига этибди эл!

1977

## ГУЛ ВА ШАМШИР

### Кириш

Сигулда — жаннат макон,  
Хушҷаво диёр экан.  
Қучоги — кўм-кўн ўрмон,  
Илқомбахш баҳор экан.  
Гая — оғушида  
Дарё экан — ғазалхон.  
Тўлқин ўйнаб тусида,  
Асов экан азалдан.  
Турайд қальаси ичра  
Бор экан бир минора.  
Боқсанг минора узра  
Қўл етгудек ситора.  
Пойингда — қуёш хумор,  
Водий боқар нозланиб.  
Тонг қизига интизор  
Сойлар оқар соз чалиб.  
Дарактлар даста-даста,  
Мовий гумбазга ўхшар,  
Жони ерга пайваста,  
Чинорлар умрин қўмсар.  
Анвойи ранглар мавжи  
Камалак наҳри гўё.  
Минг хил қушлар валфаржки  
Синиқ дилга мўмиё.  
Яшил борлиқ қўйнида  
Сеҳрланди кўзларим.  
Бўлиб кўклам тўйида,  
Тўлқинланди ҳисларим.  
Сигулдада сайр этиб,  
Мен бир қисса эшитдим.  
Райнисдан мадад кутиб,  
Сизга ишқ гулин тутдим.

### ҚУЁШ ВА ЕР МУЛОҚОТИ

1

Тўрт юз йиллар мұқаддам  
Мұсаффо бир субҳидам,

Қүёш бундай қараса,  
Олов сочин тараса,  
Кўзларин қамаштириб,  
Ақлидан адаштириб,  
Сигулда қучоғида,  
Гауя қирғонида  
Ям-яшил ўрмон ичра,  
Антиқа бўстон ичра  
Қирмизи ранг бир қалья,  
Тош деворли зўр қалья,  
Нур мавжид товланиб,  
Қасри ёқутдай ёниб,  
Савлат тўкиб турганмиш,  
Юлдузга қўл берганмиш.

## 2

Бу қалья жамолидан,  
Сехрли камолидан  
Қуёш бўлиб ҳайрон, лол  
Ердан сўрабди савол:  
— Эй, замини мўътабар,  
Менга ўзинг бер хабар,  
Ўнгимми бу, ё тушим,  
Учди-ну бошдан ҳушим.  
Бу қандай ажойибот  
Ва бўлди қачон бунёд!  
Кунн иеча бу ерда,  
Қалья йўқ эди қирда!  
Бу гаройиб иморат  
Ўзи недан ишорат!  
Афсунгар табиат ё  
Этдими сенга ато!  
Ё тушдими осмондан,  
Сгоҳ эт бу эҳсоидан!

## 3

Гул-гул ёниб жамоли,  
Қирдан эсиб шамоли  
Гауяси шарқираб

Лаъл қалъаси ярқираб,  
Шөвуллаб ўрмонлари,  
Тер тўкиб инсонлари,  
Жилмайиб қатъий, вазмин,  
Сўзга киришди Замин:  
— Олампаноҳ, эй, қуёш,  
Менга азалий сирдош,  
Очлигим, тўқлигим ҳам,  
Борлигим, йўқлигим ҳам  
Рўшною сиёлигим,  
Ва меҳри гиёлигим  
Қишим билан ёзим ҳам,  
Баҳор билан кўзим ҳам,  
Сенинг шарофатингдан,  
Сеҳру кароматингдан,  
Сен бўлмасанг бу жаҳон  
Менинг учун зимиштон.  
Бу — Турайда қалъаси,  
Қалъаларнинг аълоси  
Табиат сеҳри эмас  
Ва унинг мұхри эмас.  
Тушмагандир осмондан,  
Бу — түҳфадир инсондан!  
Биласан-ку, инсонлар  
Кўзига тўлса қонлар,  
Заминда ҳам турмас тинч,  
Ва қўлга олар қилич.  
Бир-бирига бўлар ёв,  
Уйига қўяр олов.  
Бино бўлгандан дунё,  
Бошдан иечди кўп савдо,  
Бечора латишлар ҳам,  
Дунёда кўп чекди гам.  
Қўлдан-қўлга бу диёр  
Ўтиб турди неча бор.  
Эл жочига соябон  
Бўлсин дея бегумон  
Бир бўлиб ёшу қари,  
Ишга бел боғлаб бари,  
Тинч кечсин дея ҳаёт,  
Қалъани қилди бунёд.

ГҮДАК

1

Турайд қасрин довруғи,  
Элни чорлаган туғи,  
Оламни тутиб кетди,  
Фарангү Румга етди.  
Мисру Балқон боқди лол,  
Бошидан учиб хаёл.  
Немис баронлари ҳеч,  
Ета олмай қолди тинч.  
Швед билан Фин эса  
Денгиздан шамол эсса,  
Сигулдага тикилди,  
Ҳасад ўти кул бўлди.  
Кўпдан поляку швед  
Ўту сув эди ёхуд  
Шведларга тиз чўкмоқ —  
Полякларга тик ўлмоқ —  
Билан баробар эди,  
Дўсти ҳам ағёр эди.  
Бу қолдан огоҳ ганим,  
Қиличин олиб тағин  
Польша томон сурди от,  
Яна бўлди қиёмат.  
Дарё-дарё қон оқди,  
Қон деб ганим тутоқди,  
Тандан бошлар кесилди,  
Кўплар дсрга осилди.  
Пайҳон бўлди боғ-ролгар,  
Сўнди қандил-чироғлар.  
Урушнинг олов тили  
Сигулдага чўзилди.  
Тош отишди қалъага,  
Турайд қолди балога.  
Деворлари бузилди,  
Жон риштаси узилди.  
Гауя ҳам тўлғонди,

Ғазаб ўтида ёнди.  
Ҳалойиқ олиб қурол.  
Оёққа турди дарҳол.  
Унга Горис бош бўлди,  
Жангда кўзу қош бўлдн,  
Поляклар-ла ёнма-ён,  
Ғанимга солди қирон.

## 2

### ТУРАЙД ҚАЛЪА МИРЗОСИ,

Тинганда жанг гағоси,  
Уликлар орасидан  
Битта норасида  
Ғўдакни топиб олди,  
Ерга тиз чўкиб қолди;  
Онаизор бечора  
Ётарди пора-пора,  
Гўдак чинқирар эди,  
Замин зирқирар эди.  
Сут деб у қон эмарди,  
Она-чи, жон берарди.  
Бу — ғаним касофати,  
Элга солган офати,  
Мирзо кўксин тиглади,  
У ичида йиглади  
Ва гўдакни авайлаб,  
Жажжи кўлларин боғлаб,  
Кўксига босиб олди,  
Жанг бағридан йўқолди.

## 3

Мирзо бу қизалоққа,  
Ғунчадек қизғалдоққа  
Майя дея қўйди ном,  
Гуллар тутди унга жом.  
Қунлар ўтиб ой келди,  
Ҳилғалардан сой кулди.

Майя гулдай очипди.  
Толеи кундай кулди.  
Сочлари бўлиб толим  
Олди барча хаёлин.  
Пистгадай дудоқлари,  
Анордай ёноқлари  
Қизил гулга ўхшарди.  
Гуллар уни қўмсарди.  
Ҳуснин кўрган одамлар.  
Сўҳбат қурган одамлар  
Майямас, Роза дерди.  
Гулдан ҳам тоза дерди.

## **БОЛАЛИҚДАН БОШЛАНУР**

### **БАҲОР**

#### **1**

Энг қувноқ болалиқдан,  
Тошқин шалолалиқдан,  
Ташвишлардан бегона,  
Капалакка парвона,  
Уйқусиз болалиқдан  
Қайғусиз болалиқдан  
Бошланур умри баҳор.  
Чақмоқ чақиб баҳтиёр.  
Чақмоқнинг овозидан,  
Яшиннинг парвозидан  
Қалдираб кетар осмон,  
Сигмагандек танга жон.  
Кўк пўстагин қоқади:  
Ёмғир сим-сим ёғади.  
Сел аралаш жала, қор,  
Ёғиб қолади бисёр.  
Сўнг эса балқир офтоб,  
Нур оқур ерга шитоб.  
Оlam бўлур чароғон,  
Одам бўлур чароғон.

## 2

Худди шунда Роза дам  
Бадорга қўйди қадам.  
Болаликнинг боғида,  
Шўх дарё қучогида.  
Тўлқинларга тўш уриб,  
Тунлар ойдин туш кўриб,  
Ниҳолдек топди камол,  
Кулнб боқди истиқбол.

## 3

Ота-онасин Роза  
Билмаса ҳамки тоза,  
Етнмлни ғурбатидан,  
Дайдилик кулфатидан  
Усиб-улғайди ғозод.  
Дил боғи бўлиб обод.  
Мирзони ул ота деб,  
Рафиқасин она деб,  
Суяниб баҳт тоғига,  
Отилди қучогига.  
Улар ҳам ўз қизим деб,  
Қўрар қаро кўзим деб.  
Оқ ювиб, оқ тараши  
Ва кунинга ярашди.

## 4

Роза ҳам ота-она  
Дунёда деб ягона,  
Оғирин енгил қилди,  
Тоза қўли гул келди.  
Ҳусну ақлу одобда,  
Сигулдада одатда  
Унинг тенги йўқ эди,  
Қалби оташ-чўғ эди.  
Ой деса, ой дегудай,  
Ингитлар «вой» дегудай,  
Бир қиз бўлдикни Роза,  
Эл оғзида овоза.

## ИШҚ ҮТИ БОР ЙИГИТ КЎЗИДА

1

Аргувон гуллаганда,.  
Болари ғувлаганда,  
Булултар пода-лода  
Чопишганда самода,  
Гауя лишқирганда,  
Боғларга ўшқирганда,  
Валфаржи қалдирғочлар  
Уйдан излаб оғочлар,  
Чўп, хас, лой ташиганда,  
От сагрин қашиганда,  
Оқ лайлаклар ботқоқдан,  
Киргоқ ё кўл, чараоқдан,  
Чувалчанг излаганда,  
Уясин кўзлаганда,  
Уйғонганда капалак  
Тол хивичдан жамалак  
Боғлаб олганда қизлар,  
Жўшганда қалбда ҳислар,  
Роза ёзиб қулочин,  
Ўйнаб қаҳрабо сочин  
Боғларда чарх урганда,  
Гул кулгисин кўрганда,  
Боғбон йигит Викторга,  
Кўпдан таниш шунқорга,  
Нигоҳи тушиб қолди,  
Кўнгли бирдан ўт олди.  
Ҳарорат чиқди танга,  
Қалбда ёнди аланга,  
Кўзлари чақнаб кетди,  
Борлиғи чанқаб кетди.  
Жисмидан қочиб дармон,  
Қотиб қолди шу замон.

2

Розанинг кўзларига,  
Лолагул юзларига  
Виктор шундай боқдики,

Ишқ үтини ёқдини,  
Қарашига бермай тоб,  
Изига қайтди шитоб.  
— Ҳой, Роза! Тұхта,— дея,  
Изидан шу сония  
Юғурғып борди Виктор  
Ва күнглиң ёрди Виктор:  
— Богимдан гул термасдан,  
Сайр этиб юрмасдан,  
Мендан аразлаб нечун,  
Отланиб қолдинг бу кун!  
Роза аста ер чизиб,  
Ташлади сүзни тизиб:  
— Сенми, бугун бошқасан,  
Тәниб бўлмас ошнасан.  
Менга ёмон қарадинг,  
Кўнглимга ўқ қададинг.  
Кўзларинг ҳам бошқача,  
Сўзларинг ҳам бошқача.  
Вужудим титрар зир-зир,  
Бу нимаси, тушунтири!

### 3

Виктор ҳам лов-лов ёниб,  
Роза сўзига қониб.  
Қалби гуп-туп уради,  
Узи зўрга туради.  
Вужудидан тер чиқиб,  
Борки кучини йиғиб,  
Дардин айтмоқчи бўлди,  
Унга яқинроқ келди.  
Оппоқ билагин ушлаб,  
[Баҳор кўнглини хушлаб]  
Кўзларига боқди тик,  
Роза мисоли кийик,  
Кучоғида талпинар,  
Лаблари оловланар,  
Бир зарб билан ва лекин  
Виктор бағридан тутқун —  
Отилиб чиқди Роза,

**Лоларанг бўлиб тоза.**  
— Бу нимаси, уятсиз,  
**Борми ўзи сенда юз!**  
Виктор ҳижолат бўлди,  
Боши ерга эгилди.  
**Сўнг илтижо қилгандай,**  
Қиз кўнглени билгандай,  
**Розага бериб юпанч,**  
Бағрини қоплаб қувонч,  
Гул үзатди боғидан,  
**Кўзининг қарогидан.**

## СЕВМОҚ УЧУН ТУГИЛАР

### ИНСОН

#### 1

Ишқ бўлиб жонга пайваст  
Роза қайтди, боғдан маст.  
**Кўзига тонгга қадар**  
Уйқу бўлди дарбадар.  
Хаёли боғлар ошди.  
Уфқаларга туташди.  
Орзуси — оқ кабутар,  
Чарх үриб ойга қўнар.  
**Юлдузлардан юлдузларга**  
Сайр этади бир зумда.  
Борлигин зўр ҳаяжон  
Забт этгани бегумон.  
Қалби билан сўйлашар,  
Бўлбул бўлиб куйлашар:  
— Нацотки мен Викторин,  
Сигулда ичра норни  
Севиб қолган бўлсан-а,  
Ойдай тўлиб, кулсан-а!  
Ишқ дегани — ўтмикан,  
Кўзлари бургутмикан!  
Нега боқиб кўзига,  
Қулоқ солиб сўзига  
**Оромимни йўқотдим,**

Ўзимни ўтга отдим!  
Неча йилдир, не учун  
Кўзида сирли учқун  
Заррасин сезмагандим,  
Тинчлнгим бузмагандим;  
Не бўлди менга бугун,  
Қалбимда фавро нечун?  
Кўзига қаролмайман,  
Йўқлаб ҳам боролмайман!  
Сўйла, юрак, не учун  
Бағрингда мунча тўлқни!

## 2

Виктор учун бу оқшом  
Ой ҳам тутар үнга жом.  
Ёр кўзидай юлдузлар  
Үнга нимадир сўзлар.  
Хаёлнн олган осмон  
Мисли поёнсиз уммон.  
Қалби эса кенг дунё,  
Унда оқар минг дарё,  
Ишқин айлаб тараннум  
Ором бермайди бир зум.  
Виктордай баҳти инсон  
Дунёда йўқ бу оқшом.  
Шунинг учун беуйқу,  
Қалбida ширин туйгу,  
Кўлида қалам ўйнар,  
Дил розин ёрга сўйлар:  
— Эй, кўнглим маликаси,  
Ишқ боғининг эркаси,  
Сен бўлмасанг; бу жадон  
Менга эди зимистон.  
Сен менга нур, навосан,  
Оби ҳаёт, давосан.  
Орзу — армоним ўзинг,  
Танда дармоним ўзинг.  
Сен бир гулсан боғимда,  
Адо бўлмай додингда.  
Сенга бир боқиб қиё,

Бўлмасин умрим сиё.  
Богимга кел ҳар оқшом,  
Кўнглим сенга бўлди ром.  
Эй, менинг баҳтиёрим,  
Сенга бўлсин гулзорим.  
Мактубим оқ кабутар  
Тонг билан сенга элтар.  
Жавобига интизор  
Ишқингга содик Виктор!

### МАРД БИР ЎЛАР, НОМАРД ЮЗ...

#### 1

Сигулдада манман деган,  
Нонини ёг билан еган,  
Зап йигитлар бор зди,  
Лек Розага зор эди.  
Роза истаса агар  
Сочишарди сийму зар.  
Барин кўнглини ҳасад  
Ути қиласди барбод.  
Розани бир амаллаб,  
Олтину дур-ла алдаб,  
Қўлга олмоқ бўларди,  
Чангали солмоқ бўларди.

#### 2

Ва лекин икки ошиқ  
Севгиси бўлиб қўшиқ  
Тилдан-тилга кўчарди,  
Минг-минг дилни қўчарди.  
Розахон билан Виктор  
Бир кун кўришмаса гар  
Ичишган янглиғ оғу  
Олам эди қоронгу.  
Тўхтаб қоларди дарё,  
Борлиқ қиласди гиря.  
Шунинг учун икки ёш,  
Икки навқирон сирдош

Бир-бирига йўллаб ҳат,  
Этмасдан тарки одат,  
Турайда чорбоғида,  
Шўх дарё қирғоғида,  
Гутман горида ёким  
Учрашиб турди ҳар кун.

### 3

Поляк — швед үруши,  
Икки қўшин юриши  
Ўн саккиз йилдан бўён,  
Соларди элга қирон.  
У гоҳ тиниб қоларди,  
Гоҳ эса авж оларди.  
Баъзизда жанг бўлути,  
Кўкка ўрлаган ўти  
Сигулда бошига ҳам  
Соя солиб, қиласар ҳам.  
Жангдан қочган бир аскар,  
Якубовский деган ҳар  
Дайдиб қолди бу элда,  
Ғаламис ният дилда.  
Розага кўзи тушиб,  
Бошидан ҳуши учиб,  
Кўнгил наҳрига шу чоқ  
Ташлади сирли қармоқ:  
— Сени эшитиб, жангдан,  
Қочиб келдим Познандан.  
Бир қара, погонимга,  
Оро кирап жонимга.  
Офицерман — келишган,  
Қаддим расо, тўлишган.  
Офицерни — қиз зоти  
Севмоқ асли одати.  
Рози бўлсанг, жон-жон деб,  
Йиғар эдим сенга сеп.  
Бизни агар кўрса эл,  
Ҳавас қиласарди нуқул.  
Нима дейсан, Роза, айт,

Тўй қилишга айни пайт!  
Розаннинг чиқиб жони,  
Ут олиб хонумони.  
Офицерни тинглади,  
Уни ерга тенглади:  
— Қолма, келган йўлингдан,  
Бир қиз танла элингдан.  
Мен муносиб эмасман,  
Офицерни демасман!  
Менга керакмас номард,  
Топилиб қолар бир мард.  
— Мен номардми, Роза, айт,  
Бу сўзингдан тезроқ қайт,  
Не десанг ҳам бари бир  
Хотин бўласан, ахир.  
Сенга кимки қилса қасд,  
Кўкрагига ургим даст,  
Жудо бўлгай жонидан,  
Гуллар унар қонидан.  
— Заҳар томар тилингдан,  
Ҳеч иш келмас қўлингдан.  
Мард бўлсанг гар қочмасдинг.  
Оғзинг катта очмасдинг.  
Сен лапашанг, қўрқоқсан,  
Эл қарғаган олчоқсан.  
Менинг ўз суйганим бор,  
Ишқида иуйганим бор.  
У — Виктор, боғбон йигит,  
Сигулдалик зўр бургут.  
Чангалига тушган он  
Қолмагайсан ҳеч омон.

## 4

Виктор номин офицер  
Эшигандада чиқди тер.  
Кўнглини босди ваҳм,  
Жонига қилди раҳм.  
Не деярин билмасдан,  
Ўз жойидан жилмасдан  
У унсиз қотиб қолди,

Даҳшатга ботиб қолди.  
Миясидан ялт этиб,  
Бир дийла кетди ўтиб:  
— Мен Виктории биламан,  
Нима десанг, қиласман.  
Кечак сой қирғозида,  
У битта ўртоғига,  
Сени севмаслигини,  
Сени демаслигини  
Ўз оғзидан эшиздим,  
Сўзиға қулоқ тутдим.  
Роза хаёлга толди,  
Гур этиб олов олди:  
— У севади, бу — бўхтон,  
Мана мактуби, инон!  
Офицер хатни олиб,  
Мағзига разм солиб:  
— Бу қалбаки хат.— деди,—  
Сийқа муҳаббат,— деди.  
Роза даҳшатга ботди  
Ва ўзини йўқотди  
Иккиланиб у бир оз  
Қилмоқ бўлди эътиroz:  
— Рост бўлса галинг агар,  
Кўксимга ургим ханжар,  
Айт, қалбингда, муҳаббат,  
Бормиди шунча гурбат!  
Йўқ, мени алдаяпсан,  
Ишқимни булғаяпсан.  
Мени тинч қўй, кета қол,  
Бахтимга бўлма завол.

## 5

Офицер кўнгли юмшаб,  
Висол бўсасин қўмсаб,  
Қиличин олиб қиндан,  
Хафа бўлма деб мендан,  
Розага бўб парвона,  
Сўз бошлади мэрдана:

— Мени писанд қилмаса,  
Кимлигимни билмаса,  
Мана шу қилич уни,  
Жонин олар шу куни.

## ГОРДАГИ УЧРАШУВ

1

Қалъага қайтиб Роза,  
Үзига келмай тоза,  
Игна-ла кудук қазиб,  
Икки энлик хат ёзиб,  
Узатди хизматкорга,  
Элтгин дея Викторга:  
«Арғувон майдонида  
Ажинагор ёнида,  
Учрашайлик намозшом,  
Қийнар мени бир одам...»

2

Турайда чорбоғида,  
Айни пешин чоғида  
Мактубини олиб Виктор,  
Үқиди такрор-такрор,  
Күзига ишонмади,  
Мазмунига қонмади.  
Үйланиб қолди узок,  
Күнглини эзди қийноқ:  
— Ким экан унга хуштор  
Ва менга бўлган ағёр!  
Унга қўлин чўзди ним,  
Жондан умид узди ким!  
Ким бўлса ҳам қасдимдан,  
Омон қолмас дастимдан.  
Виктор лов-лов ёнарди,  
Иўлбарсден тўлғанарди.

Тушганида намозшом  
 Учрашишди икки жон.  
 Ажинағор ёт күздан —  
 Бекитди ой, юлдуздан.  
 Розани қучиб Виктор  
 Дардини этар ошкор:  
 — Сенга хуштор үзи ким,  
 Қани айтгин, севгипим!  
 — Битта қочоқ офицер  
 Бўлмоқчиймиш менга эр.  
 — Ким айтди бўни сенга,  
 Тезроқ тушунтири менга!  
 — Миноранинг олдида,  
 Мени кўриб қолди-да,  
 Ишқингда ўлай, деди.  
 Қурбонинг бўлай, деди.  
 — Қандай жавоб қилдинг сен!  
 Тигсиз бағрим тилдинг сен.  
 — Севаман десам сени,  
 Ўтга ташлади мени:  
 Хатларинг бўғтон эмиш,  
 Ишқинг ҳам ёлғон эмиш.  
 Мендан бошқа — сўйганинг,  
 Бор эмиш-ку кўйганинг.  
 — Ё алҳазар, бу тұдмат,  
 Бундай гаплар менга ёт.  
 Мен бир сени деганман,  
 Сен деб йиглаб-куйганман.  
 Сен — шодлигим, қаётим,  
 Сен — қайрилмас қанотим.  
 Топиб ўша қочоқни,  
 Ёсуману олчоқни  
 Бурда-бурда қилмасам,  
 Терисини шилмасам,  
 Онам берган сут ҳаром,  
 Ҳаром йигит деган ном.

## ҚОЧОҚ ОФИЦЕР ҲИЙЛАСИ

1

Ишқ үтида ўртаниб,  
Роза васлида ёниб,  
Неча тундир, офицер  
Бирор ҳийла топсам дер.  
Виктор номидан охир  
Хат ёзади мұғамбір:  
— «Розахон! Севгім гули,  
Ғаріб күнглім булбули,  
Эшиятасам овозинг,  
Күрмасам ишва, нозинг,  
Туролмайман бир нафас,  
Дунё бұлур тор қафас.  
Шунинг учун азизим,  
Эй, менинг ширин сұзим,  
Күн пешіндән оқыңда  
Ғарб томонға боқында.  
Гутманғорида бүгүн,  
Сени кутаман дилхүн».

2

Роза очиб мактубни,  
Софингандай маҳбұбни  
Тикилиб сұзларига  
Суртади күзларига.  
Күзлаб висол өгінни,  
Дилдан ювиб дөгінни,  
Оқ шоди күйлак кияр,  
Бошга рұмолин ўрап.  
Товусдай минг төвланиб  
Юраги оловланиб,  
Гутманғорига томон  
Отланади бегумон.

3

Горда үнга сүйлаб роз  
Офицер чиқар пешвөз:  
— Кел, азизим, кела қол,

Бир түн меңмөн бўла қол,  
Меҳрим этай поёидоз,  
Жонимдай қилай эъзоз.  
Сўнгра эса бир умр  
Менга дейсан ташаикур...  
Сўзига қилмай парво,  
Қарғишини айлаб раво,  
Роза отилди гордан,  
Қочмоқ бўлиб ағёрдан.  
Ағёр кўнгли гашланди,  
Оч бўридай ташланди.  
Роза эса шу асно  
Ялинар телбанамо:  
— Не десанг ҳам розиман,  
Бир оз ҳолдан оздим ман.  
Қўйиб юбор, олай дам,  
Севсанг, қилгин-да карам.  
Офицер оғушидан,  
Ором топган тўшидан  
Розани этди халос,  
Жўмард йигитларга ҳос.

## «СИРЛИ» ҚИЗИЛ РЎМОЛ

### 1

Роза ўйлаб қараса,  
Қочиб кетолмас асло.  
Сўнг бир ҳийла ишлатди,  
Қочоқ кўнглин ҳушлатди.  
Ечиб қизил рўмолин,  
Деди:— Менинг иқболим.  
Бу — Викторнинг ҳадяси,  
Қатида ишқ дунёси.  
Бу рўмолнинг сири бор,  
Ҳеч кимса билмас зиндор.  
Уни боғлаб олса ким,  
Чангаль сололмас ўлим.  
Сенга этсам армуғон,  
Мушкулинг бўлур осон:

Уни қилич ҳам кесмас,  
Йўлингни ҳеч ким тўсмас.  
Рўмол сени этур шод,  
Мени айлагил озод.  
Ма, ола қол, жонгинам,  
Сендан йўқдир ҳеч гинам.  
Олиб «сири» рўмолни,  
Қушиб соҳиб жамонни,  
Офицер боққач узоқ,  
Қайтиб берди ўша чоқ:  
— Менга рўмол керакмас,  
Сенинг ўзинг бўлсанг, бас.  
Сен билан рўйи жаҳон  
Менинг учун чароғон.  
Сендай моҳи рухсорни,  
Сарвқомат дилбарни  
Бу дунёда кўрмадим,  
Ҳатто суҳбат қурмадим.  
Кирсанг агар сўзимга,  
Олтин сочгум изингга.  
Сигулдадан кетайлик,  
Гауядан ўтайлик.  
Нуқул тошдан иборат  
Қурай сенга иморат.  
Родат қилиб Познанда,  
Яшайлик бу жаҳонда.

2

Роза қилиб табассум,  
Офицерга боқиб жим,  
Пуч ёнгоқ соб қўйнига,  
Рўмолин ўз бўйнига,  
Маҳкам олди-да боғлаб,  
Ўзин ўлимга чоғлаб,  
Майли, синаб кўр, деди,  
Қилич билан ур, деди.  
Қани кесарми қилич,  
Бунга қилич ўтмас ҳеч.

Розанинг сўзларига,  
 Нажоткор кўзларига  
 Офицер лек ишонди,  
 Гўё васлига қонди,  
 Яланғочлаб қиличин,  
 Мушуклар тирнаб ичин,  
 Ишқига тилаб ривож  
 Қилич солди ноилож.  
 Розанинг мағрур боши,  
 Мисли палақмон тоши,  
 Ҳандалакдай узилди,  
 Умр қасри бузилди.  
 Танаси мисли чинор  
 Қон тирқираб шашқатор,  
 Гурс этиб қулаб кетди,  
 Ерга жон улаб кеңди.  
 Яқосин ушлаб қочоқ,  
 Жаллоддай боқди бироқ.

### **АРГУВОНГА ОСИЛГАН ОЛЧОҚ**

Содиқ қолиб Викторга,  
 Жонидан севган ёрга,  
 Ҳатто ўлимни Роза  
 Ўзига кўриб раво  
 Кўзёш тўкмаганини,  
 Бўйин эгмаганини  
 Ишқ-муҳаббат ёт қочоқ  
 Тушуниб етди кечроқ.  
 Кўзлари тўлиб қонга,  
 У боқиб тўрт томонга,  
 Ҳуши учиб бошидан,  
 Муздай жасад қошидан  
 Қиличин солиб қинга,  
 Шўнғиди қаро тунга.  
 Қочоқ изидан қувлаб,  
 Гўё бўрондек увлаб,  
 Кийиб олиб оқ кафан  
 Рух чопарди дафъатан.

Оқиздинг деб қонимни,  
Топиб бер деб жонимни,  
Коптоқ каби юмалаб,  
Үрмон ичра қувалаб,  
Чолар эди жонсиз бош,  
Мисли қонталаш қүёш.  
Гоҳ ҳандақда эмаклаб,  
Гоҳ дарёга қўйиб лаб,  
Бошин үриб дарахтға,  
Ўхшаб қонхўр калкатга;  
Эсидан оғиб тамом  
Ва боши оғган томон  
Қочиб борарди Қочоқ,  
Қазилгандай ўзга чоҳ.  
Қолмагач бирор чора,  
Қисмати бўлиб қора,  
Қамарин ечиб белдан,  
Ялроқдек титраб елдан,  
Бўйнига қилиб сиртмоқ,  
Ўзни осди олчоқ.  
Сиртмоқ қисиб бўғзидан,  
Кўпик оқди оғзидан.  
Қилмншига яраша,  
Бўлиб қолди тараша.  
Бир силкиниб аргувон,  
Үрмонга солди сурон;  
Қочоқдан у ор қилди,  
Лекин шохин дор қилди.

## ҲАЗОН БЎЛГАН ГУЛ

1

Тонг билан топиб хабар,  
Қўлига олиб ҳанжар  
Қайраб қасос қипичин,  
Олмоқчи бўлиб ўчин,  
Тўрт томон чопди Виктор,  
Қочоқни топди Виктор,  
Вале бўлган эди иеч,  
Багрини эзди ўқинч.

Сўнг йўлбарсдай югурди,  
Ўзини горда кўрди.  
Телбадай қилиб Фарёд.  
Ўкирганча солди дод!  
Горни кўтарди бошга,  
Бошини урди тошга.  
Роза жасадин қучди,  
Бошидан ҳуши учди,  
Лаънат ўқиб ўзига,  
Боқолмай ёр иўзига,  
Чекиб афсус, надомат,  
Қилиб элга қиёмат,  
Кўксига урди ханжар,  
Ҳалбидан қон тирқирав,  
Отилиб тўрт томонга,  
Алвидо, дея жонга.

## 2

Роза билан Викторни,  
Икки ошиқ-дилдорни,  
Сигулдада борни жон,  
Кўз ёшини қилиб уммон  
Топширди қаро ерга,  
Урмонзор инки қирга,

## 3

Роза, вхир, гул эди,  
Виктор — бир булбул эди.  
Гулу булбул бўлмаса,  
Ошиқ нўнгил бўлмаса,  
Ҳар қандай боғ боғ эмас,  
Укда қўшиқ янграмас.  
Сигулданинг боялари,  
Диловар қучоқлари,  
Айрилиб ўз гулидан,  
Қўшиқчи булбулидан  
Хазонга ўхшаб қолди;  
Бир умр қўмсаబ қолди.

## ХОТИМА

Тўрт юз йилким, Сигулда  
Роза руҳин этар шод.  
Ҳуснин кўриб ҳар гулда,  
Қабрини этар обод.  
Бошида чўнг аргувон,  
Посбон унга бир умр.  
Гулин айлаб армуғон,  
Ҳар баҳор қилур ҳузур.  
Сигулдага келса ким  
Қабри узра қўяр гул.  
Бир ладза қилиб таъзим,  
Ўз бурчини оқлар ул.  
Шоир Янис Порукнинг  
Рафиқаси бир замон,  
Қўйган мармар лавҳани  
Ўқир бунда ҳар инсон.  
Севги — енгиб ўлимни,  
Яшар бунда барҳаёт.  
Мен ҳам қўйиб гулимни,  
Ишқ bekасин қилдим ёд.  
Ўғлим билан рафиқам,  
Қабри узра эгди бош.  
Роза қошида шу дам  
Саргашта эди қуёш,  
Роза мардлиги маним  
Қалбимга солди түғён.  
Оташда қолиб жоним,  
Сизга айладим достон.  
Эй, ўқувчим!  
Бу қисса,  
Дерсиз балки афсона.  
Ҳақиқат учун Сизга  
Сўзлаб бердим мен яна.

Рига — Тошкент  
1975

# **МУНДАРИЖА**

## **Шеърлар**

- 4 МЕНИНГ ШЕЪРИЯТИМ  
5 СЕН ТУФИЛГАН КУН  
8 КУЁШЛИ КАРВОНЛАР  
УРГУТ МАНЗАРАЛАРИ  
11 БУЛОҚ ҚУШИҒИ  
12 МИНГБУЛОҚ  
13 ТОҒЛАР НИДОСИ  
14 ГҮЛБОҒ  
15 ТОҲИР ЧИНОРИ  
17 УРГУТСОЙ ЁҚАСИДА  
18 МИРЗАЧУЛ ҶАҲРАМОНЛАРИГА  
МАЙ ҚАСИДАСИ  
21 ПАХТАЗОРГА КЕЛ  
23 БАХТИЁРЛАР ҚУШИҒИ  
24 СУРАТ ҲАҚИДА БАЛЛАДА (Г. Зинчонко-  
дан)  
26 МУБОРАКБОД  
28 ЯНА КЕЛДИМ СЕНГА РИМ  
30 ЭГИЗАКЛАР  
32 ПАХТАКОР ФАРЗАНДИ  
34 ИККИ ШЕЪР (Н. Бараташвилидан)  
36 ОНА (Сонет)

## **Балладалар**

- 38 КУМУШ ҚУШ  
44 ФАЛАБА ҚУШИҒИ  
50 ОНАЖОНЛАР  
54 НИҲОЛ ВА ЧИНОР  
57 ЧЕГАРАДАН ХАТ  
60 СОНЕТ

## **Достонлар**

- 62 МАЖНУНДАРА МАЛИКАСИ  
69 ГУЛ ВА ШАМШИР

**Бойқобилов Барот.**

**Сен түгилган кун. Шеърлар, балладалар, дос-  
тонлар.— Т., Ёш гвардия, 1979.—96 б.**

**Байкабулов Б. День твоего рождения. Стихи,  
баллады, поэма.**

**ББК 84Уз7  
Уз2**

---

**Для детей среднего и старшего  
школьного возраста**

**На узбенском языке**

**Барот Байкабулов**

**ДЕНЬ ТВОЕГО РОЖДЕНИЯ**

**СТИХИ, БАЛЛАДЫ, ПОЭМА**

**Издательство «Ёш гвардия» —  
Ташкент — 1979**

**Редактор С. Барноев**

**Рассом А. Гуломов**

**Расмилар редактори Қ. Алиев**

**Техн. редактор Л. Бурнина**

**Норрентор С. Сайдалимов**

---

Босмахонага берилди 24-IV-1979 й.  
Босишига рухсат этилди 16/VIII-1979 й.  
Формати  $84 \times 100\frac{1}{32}$ . № 1 босма қоғозга «Журнальная рубленная гарнитура»да юқори босма усулида босилди. Босма листи 3,0. Шартли босма листи 4,68. Нашр листи 4,134. Тиражи 45.000. Р-13646. Заказ № 829.  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент,  
Навоий кўчаси, 30. Шартнома  
№ 23—79. Баҳоси 25 т.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети  
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ  
орденли босмахонаси, Тошнент,  
«Правда Востока» кўчаси, 26.

---

70803 — 110  
Б 356 (04) — 79 125 — 79 3703040200

---